

Собиржон БОЛТАБОЕВ

# ТУРКИСТОНДАГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИ ТАРИХИ



3.9 2005  
сери 2 доки  
1071

Собиржон БОЛТАБОЕВ

# ТУРКИСТОНДАГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИ ТАРИХИ

Ўқув-услубий қўлланма

NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-kutubxona markazi

203323  
S.B.

«НАМАНГАН» нашриёти  
2005

**Маъсул муҳаррир:**

**И. А. АЛИМОВ**, тарих фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:**

**А. ФОЗИЛОВ**, тарих фанлари номзоди, доцент.

**Р. ЖЎРАЕВ**, тарих фанлари номзоди.

*Маълумки, вақф мулкларига оид маълумотлар «Ўзбекистон тарихи» дарсликларида кенг ёритилмаган. НамДУ тарих факультети «Ватан тарихи» кафедрасининг мудири, тарих фанлари номзоди, доцент С. Болтабоевнинг мазкур ўқув-услубий қўлланмаси бу борадаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.*

*Қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, ўрта мактаб ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларига мўлжалланган.*

469 - 856,39 - 1092800  
НГ ————— 2005  
470 - 3,5 - (01) - 05



# К И Р И Ш

Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш, ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

*Ислом Каримов.*

Истиқлол шарофати билан ўзбек халқининг тарихи, тили, миллий қадриятлари, урф-одатлари, динига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бунинг натижасида ўз тарихимизни ҳаққоний ўрганиш, ўтмишдаги аجدодларимиз қолдирган бой тарихий, маданий-маънавий бойликлардан баҳраманд бўлишга кенг йўл очилди.

Юртимиз, миллатимиз узоқ йиллар мобайнида темир парда остида ҳаёт кечирди. Буюк аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-тарожлар кечмади. Мустабид тузум даврида ўз эли бахт-саодати ва озодлиги учун курашганларни «босқинчи», «каллакесар», «босмачи», «халқ душмани» номи билан халқимиз онгига сингдиришга ҳаракат қилиб келинди. Бунинг натижасида тарихимизда жуда кўплаб «оқ» ва «қора» доғлар пайдо бўлди.

Мустақиллик шарофати билан шу қисқа давр ичида буюк аждодларимиз Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Нажмиддин Кубро, Имом Бухорий, ат-Термизий, ал-Фарғоний, ал-Мотурудий, Жалолиддин Мангуберди каби улуғ сиймолар таваллуд айёмларининг байрам қилиниши, Ўзбекистонда миллий ва диний қадриятларнинг улуғланаётгани тарихимизга муносабатни тубдан ўзгарганини билдиради.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, тарихга муурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назар-

да тутишимиз керак. «Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»<sup>1</sup>

Тарихга холисона баҳо бериш ўта қийин вазифа. Сирасини айтганда ҳали ҳам тарихимиз холис баҳога муҳтож. Чунончи, «Чоризмнинг кўчириш сиёсати», «Мустамлака, Туркистонда ислом динининг аҳволи», «Шўро ҳокимиятининг мактаб ва мадрасаларга бўлган муносабати» каби мавзулар ҳозиргача холис ва тўлиқ текширилгани йўқ. Тўғри, тарихимиз ҳақида жаҳон олимларининг кўплаб асарлари мавжуд. Ўзганинг фикрини ҳурмат қилмоғимиз керак, аммо ўз фикримизга эга бўлмоғимиз шарт!

XIX асрнинг охириги чорагига келиб Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олинди. Ўлка босиб олингандан кейин рус самодержавиеси бу ерда ўзининг босқинчилик ва талончилик сиёсатини амалга ошира бошлади. Ўлкага эса, асосан, рус саноати учун зарур бўлган пахта, қорақўл тери, йпак каби хом ашёларни етказиб берувчи манба сифатида қаралди.

Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингунга қадар ўлкада кўплаб нуфузли мадрасалар бўлиб, булар Самарқанддаги Шердор, Тиллақори, Улуғбек, Тошкентдаги Бароқхон, Бўрихўжа, Шукурхўжа ва Кўкалдош мадрасаларидир. Ушбу мадрасаларнинг катта миқдордаги вақф мулклари бўлиб, булар: ерлар, карвонсарой, савдо расталари, ҳаммом ва тегирмонлардан иборат эди. Албатта, булардан тушган даромад биринчи навбатда мадрасалардаги таълим-тарбия ишлари, ундаги хизматчиларни таъминлаш ҳамда мадрасаларни таъмирлаш учун сарфланарди.

Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин, асосан, харбийлардан ташкил топган мустамлакачи маъмурлар ислом дини вакилларига ва уларнинг қўл остидаги вақф

<sup>1</sup> И.А. Каримов. *Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли*, Тошкент: 1992, 71-бет.

мулкларига нисбатан душманлик кайфиятида бўлдилар. Дастлабки кунлардан бошлабоқ шаҳарлар марказидаги кўп-лаб вақф мулклари зўрлик билан тортиб олинди.

Мустамлакачилик даврида генерал ва турли лавозимдаги амалдорлар ўзларини ислом дини вакилларининг ички ишларига аралашмаётгандай қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Шўролар ҳукмронлиги даврида эса ислом дини ва вақф мулклари тарихи деярли ўрганилмади.

Хуллас, тақдим этилаётган ушбу ўқув услубий қўлланма орқали чоризмнинг мустамлакачилик давридаги вақф мулкларига бўлган муносабат масаласини очиб беришга ҳаракат қилинди. Ундан университетлар тарих факультетлари, ҳамда барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, ўрта мактаб ўқитувчилари Ўзбекистон тарихини ўрганишда фойдаланишлари мумкин.

Ушбу рисола ҳақидаги ижобий ва танқидий фикрларни, истак ва талабларни бажону-дил қабул этамиз. Улардан келгусидаги илмий изланишларда унумли фойдаланиш ниятидамиз. Муаллиф рисола хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этган ўқувчиларга аввалдан миннатдорчилик билдиради.

# ХОНЛИКЛАР ДАВРИДАГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

Ўрта Осиёда мулкчиликнинг жуда кенг тарқалган шакллари-дан бири вақфдир. У бирон-бир мулкдор шахс томонидан маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадлар билан ўқув муассасалари, диний ёки хайрия маҳкамалари фойдасига хайр-эҳсон тариқасида берилади.

Вақф Араб ҳалифалиги энди вужудга келаётган даврдаёқ юзага келган ва кейинчалик барча мусулмон мамлакатларида кенг кўламда тарқалган. У, айниқса, ўрта асрларнинг охирида жуда чуқур илдиз отди. Вақфнинг қирққа яқин тури бўлиб, уларнинг 20 фоизидан диний мақсадларда фойдаланилган<sup>1</sup>.

«Вақф» - арабча сўз бўлиб, «туриш, турмоқ, қўзғалмас» каби маъноларни англатади. Бунда, маълум бир юридик шахс ўз мулкни мактаб, қорихона, масжид, мадраса, мақбара, мазор ёки бўлмаса кўприклар қуриш, йўللарни таъмирлаш ҳамда камбағаллар, етим-есирларга, бева-бечоралар учун вақф этган. Шунинг учун ҳам вақф даромадлари ҳисобидан камбағал ва етим - есирлар ун, ёғ, гуруч, бугдой, нон, ҳолва ҳамда ўтин сотиб олиши учун пул берилган. Шу билан бирга мадраса, масжид, мактаб ва қорихоналар қуриб, унга доимий фойда келтирувчи вақф ажратилган.

Одатда боғлар, экинзорлар, савдо расталари, ҳаммом, тегирмон, карвонсаройлар, бутун-бутун қишлоқлар, ариқлар, дўконлар ҳамда турли хилдаги хунармандчилик буюмлари, зеб-зийнатлар, пул ва китоблар вақф қилинган.

Вақф субъекти юридик шахс объекти ҳар қандай фойда келтирувчи мулкдир. Вақфнома қозилар томонидан ёзма равишда тузилган. Шунинг учун ҳам бирор-бир мулкни вақф қилувчи шахс зарур гувоҳлар билан қозининг олдига бориб ўз мақсадини баён этган. Қози ўз навбатида бир нечта нуфузли шахслар иштирокида вақф ҳужжатини тузган. Мазкур ҳужжатни тузиш учун, аввало, қуйидагилар керак бўлган:

1. Келишаётган икки шахс. Булар ўтган замон шаклида «вақф кардам», яъни «вақф қилдим» деган иборани талаффуз этган. Баъзан сукут сақлаш ҳам розилик аломати деб ҳисобланган;

<sup>1</sup> Ўз. РМДА: 86-Фонд, 1-рўйхат, 647-варақ.

2. Ушбу ҳужжат тузилаётган вақтда икки гувоҳнинг бўлиши. Гувоҳлар вафот этган тақдирда ҳам ушбу ҳужжатлар мавжуд бўлса, у холда келишиш бажарилган деб ҳисобланган.

Бундан ташқари, вақфномада вақф қилинган мулклар рўйхати, унинг нима мақсадда ташкил этилганлиги, мазкур мулкнинг жойлашган ўрни, мутаввали, яъни уни назорат қилувчи шахсни тайинлаш тартиби, гувоҳларнинг исми-шарифи, ҳужжат имзоланган кун, ой ва йил аниқ кўрсатилиши керак бўлган. Вақф ҳужжати охирида босилган муҳр Вақфноманинг ҳақиқий эканлигидан далолат берган. Вақфномаларда юқоридагилар билан бирга мазкур мулкдан олинган даромаднинг қанча қисми вақф маҳкамасига, яъни мактаб, қорихона, мадраса ёки масжидга тегишли эканлиги, шунингдек, мутаввали, қори, имом, азончи, қоровул, сартарош ҳамда фаррошларга тегишли бўлган қисми ҳам аниқ кўрсатилган. Фикримизнинг далили сифатида Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида мавжуд бўлган мадраса ва масжид вақф ҳужжати келтириш мумкин. Ушбу вақф ҳужжати 1849 йилга тегишли бўлиб, у Қўқон хони Худоёрхон томонидан ҳам тасдиқланган<sup>1</sup>.

Вақфнома Аллоҳ номига мақтов ва шукроналар билан бошланади. Шундан кейин кучсизлар ва камбағаллар ғамхўри Омон Баҳодир ўғли Холмат Додхоҳнинг савоб иш қилганлиги таъкидланади, яъни ўз шахсий жамғармасидан масжид ва мадраса қурганлиги маълум қилинади.

Вақф ҳужжатида масжид аҳли фуқаро беш маҳал ҳамда байрам кунлари намоз ўқиши учун қурилганлиги аниқ ва равшан баён этилган. Шу билан бирга, вақф ҳужжатида мадраса ва масжидга тегишли бўлган вақф мулклари ҳам кўрсатилган бўлиб, булар қуйидагилардан иборат эди:

1. Янгиқўрғон марказидаги бозор ва ундаги гўшт, сут ҳамда турли хилдаги савдо расталари, ҳайвон бозори - ҳаммаси, тахминан, 1 танобга тенг эканлиги айtilган.

2. Атрофи ўраб қўйилган 30 таноб ернинг Фармон кўчасида жойлашганлиги. Жанубдан Бобожон Каримбой ўғли ери, Боқи Сўфи ҳамда Муҳаммад Розик Каримбой ўғлининг бедапоysi билан чегараланганлиги вақф ҳужжатида кўрсатилган. Холмат Додхоҳ вақф даромадлари биринчи навбатда мадраса ва

<sup>1</sup> Ўз.РМДА: 19-фонд, 1-рўйхат, 34882-иш, 1-варақ.



масжид бинолари таъмирланиши; мадраса ва масжид хоналарига солиш учун матолар, ёритиш воситалари олиниши лозимлигини, қолган маблағни эса ўн қисмга бўлиб, уни мутаввали, имом, муаззин, мударрис ва муллаларга берилиши лозимлигини кўрсатиб ўтган. Юқорида номлари зикр этилган шахслардан ўз бурчларини виждонан бажарилишини ҳам талаб этади.

Вақфномалар ўроғлик қоғоз ёки китоб шаклида тузилган. Бизгача вақфномалар асл нусха ва кўчирма нусха ҳолида етиб келган. Асл нусхалар вақф таъсис этилаётган пайтда тузилган ва ўша давр ҳукмдори ҳамда қозилари муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлардир. Улар суд жанжаллари, турли имтиёзларни аниқлашда ва бошқа жараёнларга асос бўлиб хизмат қилган. Кўчирма нусхалар икки кўринишда: тасдиқланган ва тасдиқланмаган. (муҳрланган ва муҳрланмаган бўлган.)

Ҳозирда вақф ҳужжатининг икки тури кўпроқ учрайди. Булардан бири асосий, иккинчиси оддийдир. Вақфнинг асосий турида уни таъсисловчи шахс вақфга айлантирилган мол-мулкига бўлган ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум бўлади, яъни вақф бу ўринда бутунлай хайр-эҳсон мазмунини касб этади. Вақфнинг «вақфи авлод» деб аталмиш иккинчи тури эса вақф эгаси бўлмиш воқифига унинг вафотидан сўнг, ворисларга келадиган даромаднинг маълум, кўп ўринларда каттагина қисмидан фойдаланишга имкон беради. Бошқача айтганда, вақфга айлантирилган мулк фақат расмий жиҳатдагина таъсис этувчининг ихтиёридан чиқар эди. Шундай қилиб, вақфнинг бу тури «воқифга» ўз мол-мулкани узоқ йиллар давомида дахлсиз ҳолида сақлашга ҳамда ундан келадиган даромаднинг маълум қисмидан фойда кўришга имкон яратар эди.

Катта-катта ер эгалари, амирлар, вилоят ҳокимлари ўз бойликларини талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик мақсадида уларни ўз авлодлари фойдасига вақф қилган ҳамда назорат қилувчи мутаввалини ҳам тайинлаган. XVIII асрга келиб «Вақфи авлод» Шарқнинг барча мусулмон мамлакатларида кенг кўламда тарқалди.

Бундан ташқари, хонликлар даврида вақфнинг «Вақфи Дохияк» деб аталган тури ҳам мавжуд эди. Вақфнинг ушбу тури, асосан, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кенг тарқалган. Олинган даромадлар асосан мадраса талабалари,

зиёлилар ёки азиз авлиёларнинг авлодлари ҳамда мақбаралар учун таъсис этилган. Самарқандаги Амир Темур мақбараси учун таъсис этилган вақф ерлари унинг яққол исботидир. Хонликлар даврида пул вақф этиш ҳам кенг авж олган. Пул вақф этилганда ҳам мутававалилар ҳужжатда кўрсатилган шартга мувофиқ равишда ундан фойдаланганлар. Вақф этилган пул, аввало, мактаб, қорихона, мадраса ва у ердаги талабалар ҳамда таҳоратхона ва мақбараларни таъмирлаш ҳамда хизматчилар учун сарфланган. Лекин у даврда шариат қонун - қоидалари ва вақфнома талабларидан четга чиқишлар ҳам юз берган<sup>1</sup>. Бунда улар юқоридаги талабга амал қилмаганлар, балки ўз фойдаларини кўзлаб фойдаланганлар. Вақф этилган пулни судхўрлар каби қарзга бериб, олинган фойдасини ўзлаштириб олганлар.

Мулк вақф қилингандан кейин у муомаладан чиқарилади. Мулк эгаси вақфнома тузилгандан бошлаб, унга хусусий мулк сифатида эгалик қилишдан маҳрум бўлади. Агарда мулк эгаси вақф ҳужжати тузилаётган вақтда ушбу тадбир ўзининг вафотидан кейин амалга оширилишини билдирса, у ҳолда бу мулклар вақф маҳкамаси ихтиёрига кейинроқ берилган.

Вақф қилинган мулк доимий бўлиб, уни сотиш, сотиб олиш, совға қилиш ёки бошқа бирор бир йўл билан унга эгалик қилиб олиш мумкин эмасди. Вақф маҳкамаси, яъни мактаб, қорихона, масжид ёки мадраса мазкур мулкдан бевосита даромад ололмаслиги сабабли уни ижарага бериши мумкин бўлган. Лекин ижарачининг ушбу мулкка эгалик қилиб олмаслиги учун уни узоқ муддатга ижарага бериш тақиқланган. Бу билан, ижарачининг мазкур вақф мулкига эгалик қилиб олиши чекланган. Мансабдор шахсларнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб вақф мулкни эгаллаб олишларига йўл қўйилмаган. Бу эса ўз навбатида мазкур мулкни талон-тарож қилинишидан сақлаган ҳамда вақф маҳкамаларини иқтисодий жиҳатдан сақлаб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олинганга қадар шариат қонун-қоидалари ва вақфнома талабларига амал қилинган. Вақф маҳкамалари «мутававали боши»лар томонидан тафтиш қилиб турилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1989, № 1 45-варақ.*

<sup>2</sup> *И. Джалолов «Основные черты земельного права дореволюционного Туркестана». Тошкент, 1960 стр. 47.*

Тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича, вақф мулклари, асосан, юқори мартабали, нуфузли бой-бадавлат шахслар томонидан таъсис этилган. Буларга хон ва унинг оила аъзолари, йирик ер эгалари, амирлар, ислом дини арбоблари, савдогарлар ва ҳоказолар кирган. Назарий жиҳатдан эса шарият қонун-қоидаларига кўра у ёки бу мол-мулкни вақф қилиш ҳар бир ақли ҳуши жойида бўлган шахснинг ўз ихтиёрида эди. Шундай қилиб вақф – бу мусодара этилмайдиган, сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлмаган мулкдир. Бу ўринда яна шуни ҳам кўрсатиб ўтишимиз керакки, барча мулклар қатори вақф мулкларидан ҳам солиқ олинган. Лекин хон ва амирлар, вилоят ҳокимлари томонидан тайинланган солиқ йиғувчилар азалдан риюя қилиб келинган урф-одатга биноан, кўпинча вақф мулкларидан солиқ олмаганлар<sup>1</sup>. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, биринчидан вақфлар кўпроқ мактаб, қорихона, мадраса каби ўқув муассасаларига тегишли бўлиб, шу билан бирга қариялар камбағаллар, етим-есирлар, бева-бечоралар учун ҳам таъсис этилган, иккинчидан, вақф Оллоҳ йўлига қилинган инъом бўлиб савоб ҳисобланарди. Лекин катта-катта ерлар ва турли хилдаги мол-мулклари бўлган вақф маҳкамалари вилоят ҳокимлари ва солиқ йиғувчиларидан қўрқиб ўз вақф мулклари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амир ва хонларга мурожаат этганлар. Ўз навбатида амир ёки хонлик томонидан мазкур вақф маҳкамаларига махсус иноятнома берилган. Вақф ҳужжатиغا мазкур хоннинг муҳри босилган. Берилган иноятнома фақатгина мана шу амир ёки хоннинг ҳукмронлик давридагина амалда бўлган. Бошқа бир амир ёки хонинг ҳокимият тепасига келиши билан вақф маҳкамасини солиқлардан озод этиш тўғрисида берилган иноятнома ўз кучини йўқотган. Лекин бундай вақфномалар кейинги ҳукмдорлар томонидан ҳам тасдиқланган. Шундай қилиб, амир ва хонлар иноятномалар беришлари билан вақф мулклари иккига бўлинди: «Оқ вақфлар» яъни солиқлардан озод этилганлари, «қора вақф» солиқлардан озод этилмаганлари эди.

Юридик жиҳатдан ҳар иккала вақф мулкининг ҳам ҳақ-хуқуқлари тенг бўлиб, фақатгина солиқлардан озод этилиш

---

<sup>1</sup> Ўз РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 79-иш, 7-варақ.

туфайли «оқ вақфлар» иқтисодий жиҳатдан бадавлатроқ эди. Демак, ҳар иккала вақф мулкани ҳам сотиш, сотиб олиш ва ҳадя этиш мумкин бўлмаган. Шунинг учун ҳам «Вақфнома» да белгиланганидек, бу мулкдан олинган даромад биринчи навбатда мазкур вақф маҳкамасини таъмирлашга, унда таълим олаётган ҳамда хизмат қилаётган кишилар учун сарфланиши лозим эди<sup>1</sup>. Лекин орадан йиллар ўтиши билан солиқлардан озод этилган вақф мулклари ҳам иккига бўлина борди:

1. аҳоли яшайдиган; 2. аҳоли яшамайдиган.

Аҳоли яшамайдиган вақф мулклари шариат қонун-қоидалари ҳамда вақфнома талабларини сўзсиз бажариши, яъни вақф мулкларини узоқ, муддатга ижарага бермаслиги сабабли ўзининг аввалги ҳолида сақланган. Аҳоли яшайдиган вақф мулклари эса ўз навбатида мазкур ерларда вақтинчалик яшаш учун уйлар ва бошқа турар жойлар қурилиши, шунингдек, шариат қонун-қоидаларига ҳамда вақфнома талабларидан четга чиқиб буларни узоқ муддатга ижарага бериш натижасида вужудга келган. Булардан ташқари, Туркистон ўлкасидаги вақфномалар мазмунига кўра бир-бирига ўхшаш бўлган. Шунинг учун ҳам уларни мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда бир неча турларга бўлиш мумкин:

1. Ернинг вақф этилганлиги тўғрисидаги вақфномалар;
2. Хужранинг вақф этилганлиги тўғрисидаги вақфномалар;
3. Вақф этилган уй-жой тўғрисидаги вақфномалар;
4. Вақф ерини ижарага берилганлик ҳақидаги, вақфномалар;
5. Вақф ерини узил-кесил савдо билан сотганлик тўғрисидаги вақфномалар;
6. Вақф ери тақсимоти ҳақидаги, вақфномалар;
7. Вақф этилган уй-жой, ҳовли, ерни «байи жоиз» йўли билан сотиш, яъни гаровга қўйиш тўғрисидаги ҳужжатлар.

Ҳозирга қадар вақф ҳужжатлари тарихий манба сифатида кўпгина тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб этган. М.Н.Ростиславов, В.В.Бартольд, Л.Н.Соболев, В.Л.Вяткин, И.П.Петрушевский, П.М.Мелиоранский, Фитрат, О.Д.Чехович, М.Са-

---

<sup>1</sup> Бурхониддин Ал Марғинович. Хидоя (муслмон қонунларига шарҳлар). - Тошкент, 1983, 2-жилд 140-бет.



иджонов, А.Х.Ҳамроев, А.Б.Вилданова, А.В.Давидов, Р.Г.Мукминова, З.Қуттибоев, Г.Жўраева каби олимлар ўзларининг қатор асарлари ҳамда илмий фаолиятларини вақф ҳужжатлари тадқиқига бағишладилар. Лекин XIX аср охири XX аср бошларида вақф мулкларининг аҳволи ҳамда собиқ Совет ҳокимияти давридаги вақф маҳкамалари ва уларнинг мулклари тарихи тарихчилар томонидан етарли даражада ёритилган эмас.

Энди вақф мулкларининг амир ва хонлар ҳукмронлиги давридаги масаласи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу Р.Г.Мукминова, В.В.Бартольд, О.Д.Чехович, И.Петрушевскийлар томонидан муфассал равишда ёритиб берилган.

«XV-XVI аср Самарқанд ҳужралари» номи билан О.Д.Чехович томонидан нашрга тайёрланган вақф ҳужжатлари тўғрисидаги китобда Хожа Аҳрорнинг Темурийлар саройидаги баланд мартабаси, унинг Ўрта Осиё ва Афғонистондаги улкан бойликлари, сон-саноксиз мулклари ҳақида гувоҳлик берилган<sup>1</sup>.

Чор ҳукуматининг комиссарлари томонидан Хожа Аҳрорнинг вақф мулклари текширилганда шу нарса маълум бўлдики, унинг мулклари Ўрта Осиё ҳудудидан ташқарида, ҳаттоки Ҳиндистонда ҳам борлиги аниқланган<sup>2</sup>.

Эшоннинг сон-саноксиз эчки, қўй, мол ва отлари бўлиб, ерлари эса ҳисобсиз эди. Хожа Аҳрор мазкур вақф ерларини ўзининг ишончли бошқарувчилари, яъни саркорлари орқали назорат қилган. Улар олинган ҳосил ҳақида эшонни доимо хабардор қилиб турганлар. Бундай бошқарувчилар ҳатто узоқ вилоятлардаги майда мулкларда ҳам бўлиб, уларга катта имтиёзлар берилганди.

Энди вақф деҳқонларининг аҳволи масаласига келсак, улар кўп ҳолларда шафқатсизлик билан эксплуатация қилинарди, чунки уларнинг ерлари бўлмагани учун ҳам вақф ерларида ёлланиб ишлашга мажбур эдилар. Бу ўринда яна шунга ҳам эътибор беришимиз керакки, гарчи деҳқонлар оммаси шафқатсизлик билан эксплуатация қилинган бўлса-да, вақф да-

---

<sup>1</sup> Чехович О.Д. «Самаркандские документы XV-XVI в.в.». Москва, 1974, стр. 54.

<sup>2</sup> Қуттибаев З.А. *Истории Вақфных Владений Ходжа Ахрара и его потомков*, - Ташкент, 1970, стр. 25.

ромадлари ҳисобига мактаб, қорихона ва мадрасалар қуриш билан бирга унда таълим олаётган ҳамда хизмат қилаётганларни ҳам вақф даромадлари ҳисобига таъминланган. Хожа Аҳрор томонидан Самарқандда қурилган мадраса бунинг яққол исботидир. Демак, вақф ерларидан олинган фойданинг ҳаммаси ҳам мазкур мулк эгасининг ҳамёнига келиб тушмаган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида шайбонийлар ҳокимият тепасига келиши билан теурийлар томонидан қўллаб-қувватлаб келинган Хожа Аҳрорнинг бир қанча вақф ерлари тортиб олинган. Лекин ўзбек хонлари томонидан эгаллаб олинган мамлакатнинг ҳамма ерларидаги вақф мулклари тортиб олинмайди, айниқса, «Вақфи авлод» даҳлсиз ҳолда сақланиб қолади.<sup>1</sup> Шайбонийхон ўз навбатида босқинчилик, талончилик урушлари натижасида тўпланган бойликлари ҳисобига мадраса қуришни 1501 йилдан кейин бошлаган. Лекин 1510 йилда у шоҳ Исмоил томонидан ўлдирилиши туфайли қурилишни ўгли Муҳаммад Темур Султон давом эттирган. Аммо у ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўшинларига қарши курашда ҳалок бўлди.

Тарихий ҳужжатларга кўра, шайбонийлар томонидан Самарқандда, асосан, 2 та йирик мадраса қурилди. Лекин шимолий мадраса XIX асрнинг бошларидаёқ йўқ бўлиб кетганди.

Вақф ҳужжатида таъкидланишича, олинган даромад, аввало, мадраса ва ундаги ётоқхонани таъмирлаш, талаба ва ўқувчиларга нафақа ҳамда хизмат ҳақлари бериш учун сарф этилиши лозим эди. Шунинг учун ҳам Меҳр Султон хоним томонидан бир қанча ер, дўкон ва савдо расталари мадрасалар учун вақф этилган:

1. Шовдар туманининг Могуин қишлоғи.
2. Кеш вилоятининг Ҳисорак қишлоғи.
3. Вилоятнинг Наҳри Минглик Хўжа қишлоғи.
4. Кеш вилоятининг Сиёҳоб ва Манғужар қишлоқларининг 17 қисм ери.
5. Насаф вилоятининг Губдин қишлоғи.
6. Самарқанд округининг Анҳори жаҳид туманидаги Кўктош номли жойлари.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қуттибаев З.А. *Ўша асар 25-бет.*

<sup>2</sup> Р.Г. Муқминова. *Истории аграрных отношений в Узбекистане XVI век. По материалам Вақф - наме. Ташкент, 1966, стр. 26.*

Бундан ташқари, Меҳр Султон хоним томонидан Шовдар туманидаги ерлар, тегирмон ҳамда турар жойлар, сув иншоотлари юқоридаги иккита мадраса учун вақф қилинганди. Вақф мулкларининг 144 таси бир ерда, қолган 14 таси эса турли ерларда жойлашганди. Номлари келтирилган ерларнинг кўпчилик қисми яйловлардан иборат бўлиб, улар жамоа мулки эмасди. Вақф ерларида эса бозорлар, тегирмонлар, ҳаммомлар билан 41 та дўкон ҳам мадрасаларнинг мулки эканлиги кўрсатилган. Чунончи, Шайбонийхон томонидан ўзининг пойтахти деб эълон қилинган Самарқанд ва унинг атрофидаги 36 та дўкон ҳамда савдо расталари, бозорлар ҳам бор эдики, булар мадраса учун катта даромад манбаи ҳисобланарди.<sup>1</sup>

Хонликлар даврида вақф маҳкамалари бевосита ўз ерларида ишлаётган аҳолидан солиқ олган, бу иш мутаввали билан шартнома тузган ижарачига топширилган. Ижарачи эса ўз навбатида вақф маҳкамасига тўлаши лозим бўлган суммани вақфкор деҳқонлардан йиғиштириб олган.

Тарихий ҳужжатлардан шу нарса маълумки, вақф ери ижарага берилаётган вақтда ижара ҳақининг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида тўланмаган, яъни унинг маълум бир қисми ҳосил йиғиштирилиб олингандан кейин тўланган. Ижарачи ерни маълум бир муддатга ижарага олар экан, ундан иложи борица кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиларди.<sup>2</sup>

Кўп ҳолларда йирик ер эгалари ва султонлар томонидан вақф мулклари ижарага олинган ва у яна деҳқонларга қимматроқ баҳода ижарага берилган. Бу эса деҳқонларнинг шафқатсиз суратда эзилишига сабаб бўлган.

Амир ва хонлар ҳукмронлиги даврида бой-бадавлат кишилар томонидан мактаб, қорихона ва мадрасалар қурилган. Уларнинг ер, боғ-роғлар, ариқ, тегирмон, ҳаммом ҳамда савдо расталари билан таъминланишини хон ва амирлар қўллаб-қувватлаганлар. Лекин уларнинг ўзлари ҳам четда қараб турган эмаслар. Улар бунёдкорликни савоб, ўзларига шон-шуҳрат орттириш, қолаверса, руҳонийлар назарига тушиш учун ҳам амалга оширганлар.

Мусулмонқул ҳукмронлиги йилларида кўпчилик қипчоқ аслзодалари катта-катта ерларга эга бўлганлари сабабидан

<sup>1</sup> Р.Н. Набиев. *История Кокандского ханства*. Т., 1973, стр. 39.

<sup>2</sup> Р.Н. Набиев. *История Кокандского ханства*. Ташкент, 1973.

уларнинг маълум бир қисмини диний хайрия ва ўқув муассасаларига вақф этганлар, Мусулмонқулнинг ўзи ҳам Андижон вилоятининг Абушка қишлоғидаги мадраса учун ҳижрий 1261-1263 ва 1269 йилларда бир қатор мулкларни вақф этган, мадрасанинг Найман қишлоғидаги ерларини солиқлардан озод қилган.

Архив ҳужжатларининг кафолот беришича, хонликлар даврида қаровсиз ётган ерлар бой-бадавлат кишилар томонидан қаздирилган ариқлар орқали сув олиб борилиши натижасида ўзлаштирилган. Жумладан, Умархон ҳукмронлиги даврида Мир Абдурахим халифа эшон Сўх сойидан ариқ қаздириб ер ўзлаштирган. Умархон 1816-1817 йилларда ушбу ариқни барча солиқлардан озод этган бўлса, Муҳаммадаминхон мазкур эшоннинг ўғлига тегишли бўлган ерларни ҳам солиқлардан озод қилган. 1859-1860 йилларга келиб Маллахон ариқни солиқлардан озод этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тасдиқлаган. Кейинчалик Мир Абдурахим халифа томонидан қаздирилган ариқ Муҳаммадалихон ва Маллахон ҳукмронлиги оралиғида вақф мулк деб эълон қилинган бўлса керак. Лекин бу тўғридаги маълумот бизгача сақланиб қолмаган. Худоёрхон ҳукмронлигининг охириги йилларида, яъни 1873-1874 йилларда ушбу вақф ҳужжати тасдиқланган ва олинган фойда Мир Абдурахим халифа томонидан ташкил этилган «Хонақо» га берилган.<sup>1</sup>

Ўрта Осиё ҳудуди Чор Россияси томонидан истило қилинганга қадар хонликлар даврида вақф мулклари кенг тарқалган. Бундай ишлар ҳокимият тепасида турган амир ва хонлар томонидан рағбатлантириб турилган. Мана шу анъана Умархон ҳукмронлиги даврида ҳам давом эттирилди. У томонидан Қўқон шаҳрида кўзи ожизлар учун мулк вақф қилинади. Мазкур мулк иккита карвонсоройдан иборат бўлиб, унинг биринчиси йилига 3000 сўм даромад келтирган иккинчи вақф мулкидан 2000 сўм фойда олинарди.<sup>2</sup>

Ушбу вақф маҳкамасида 80та кўзи ожиз истиқомат қилган. Улар Қуръонни ёд олиш билан машғул эдилар. Ўз навбатида улар олган билимларига караб уч тоифага бўлинарди. Биринчи

---

<sup>1</sup> Р.Н. Набиев. *История Кокандского ханства: Ташкент, 1973.*

<sup>2</sup> *Из истории Узбекистана XIX-XX в.в. Сборник научных трудов. - Ташкент, 1975, стр. 23.*



тоифа «олий» ҳисобланиб бунга кирган 40 та кўзи ожизнинг ҳар бирига 200 сўм, иккинчи тоифа «ўрта» ҳисобланиб 25 кишининг ҳар бирига 100 сўмдан ва ниҳоят қолган 15 та «паст» тоифага мансуб бўлган кўзи ожизга вақф даромадидан 50 сўм ажратилганди. Албатта маҳаллий халқ хайр-эҳсони бу ҳисобга кирмаган.

Худоёрхон томонидан 1850-1851 йилларда Қўқонда 1000 талабага мўлжалланган «Мадрасаи олий» қурилган. Унинг укаси Марғилон ҳокими Султонмуродбек 1873-1874 йилларда «Мадрасаи олий» қаршисида икки қаватли мадраса қурдирган.

Бундан ташқари, Султонмуродбек ўз ота-боболари мақбара-раси олдида иккинчи бир вақф мулкани ташкил этган. Унда бунёд этилган қорихонада юзлаб кишилар Қуръон ўқиш билан машғул эдилар. Ўз навбатида ушбу маҳкамаларнинг бир қатор вақф мулклари бўлиб, булар қуйидагилардан иборат эди:

1. Қўқон шаҳри бозоридаги каттакон сарой ва бир қанча савдо расталари.

2. Қуванинг Чаукон ва Султонобод қишлоқларидаги ерлар.

3. Қўқоннинг Идрускулбек маҳалласидаги ер ва иккита боғ.

4. Қўқон округининг Қурбон Мерган қишлоғидаги шоли экиладиган 1436 газ ер.

5. Навбахор қишлоғидаги шоли экиладиган ер.

6. Қўқон бозоридаги кичкина сарой.

7. Кўплаб савдо расталари ва алоҳида хоналар.

Ушбу ерлар Султонмуродбек томонидан турли йилларда харид этилганди.

Наманганда Шайхулислам Маъруфхон тўра Сардоба маҳалласидаги мадраса ва хонақо учун ҳамда Чуст шаҳридаги мадраса ва масжид учун бир қатор мулкларни вақф қилган.

XIX асрнинг 60-йилларига келиб Наманганнинг йирик шайхларидан бири бўлган Меҳмонхон тўра шаҳарда мадраса қуриб, унга бир қатор мулкларни вақф этган бўлса, ушбу мадрасага 1858-1859 йилларда Муллабой, 1861-1862 йилларда Исобой, 1866-1867 йилларда мулла Муҳаммад Расул халифа, 1873-1874 йилларда Бобо Муҳаммад Оғалиқ ўз мулкларини вақф этганлар.

Самарқанддаги Тиллақори ва Шердор мадрасалари вақф ҳужжатларининг асл нусхалари ўзаро урушлар натижасида йўқолган, 1814 йилда амир Хайдар томонидан қайта тикланган. Хонликлар даврида ушбу мадрасаларнинг 11.610 таноб ери ҳамда 8 та савдо растаси бўлиб, йиллик даромад 38 минг тангани ёки 7600 сўмни ташкил этарди.<sup>1</sup>

Тиллақори мадрасасидаги 60 та ҳужрада 120 та талаба таълим олган бўлса, Шердор мадрасасидаги 53 та ҳужрада 110 та талаба таҳсил кўрган. Булар вақф даромадлари ҳисобига таъминлаб турилган.<sup>2</sup> Иккала мадрасанинг иккитадан мутававлиси умумий вақф даромадининг ўндан бир (1/10) қисмига эга бўлган, мадрасаларнинг ҳар биридаги иккитадан мударрисга йилига 288 сўм берилган бўлса, 2 та имом учун 48 сўм, 3 та сўфига 24 сўм, 1 та қоровул ва сув ташувчига 72 сўм, 1 та сартарошга 24 сўм, 1 та махсус имом учун 100 сўм, Қуръон тиловат қилувчига 16 сўм маблағ ажратилганди. Тиллақори мадрасасидаги ҳужралар икки кишига мўлжалланган. Ҳар бир ҳужра учун йилига 31 сўм 50 тийин, Шердор мадрасасида эса 28 сўм ажратилган.

1868 йилдаги маълумотга кўра, Самарқанддаги қолган 16 та мадраса ихтиёрида 328 та савдо растаси, 4 та карвонсарой, 6 та тегирмон, 160 та савдо растасининг ўрни, 13,383 таноб ер майдони бўлиб, булардан 31.023 танга ёки 6240 сўм даромад олинарди. Шунингдек, Самарқанддаги 44 та масжиднинг вақф мулкидан олган даромади 13.578 сўмни ташкил этган, масжид ва мадрасаларнинг умумий вақф даромади 82,777 танга ёки 16.555 сўмга тенг эди.<sup>3</sup>

Тошкентдаги Бароқхон мадрасасининг икки қаватли карвонсаройи ва 14 та савдо растаси бўлиб, бундан йилига 1400 сўм даромад оларди. Кўкалдош мадрасаси ўз мулкидан 150,000 танга фойда олган, шунинг 28,000 тангаси мударрисларга, 74,000 сўм эса 148 та ҳужрани таъминлаш учун, 1,000 танга кутубхонага, 10,000 танга эса имом, муаззин ва фаррошга берилган, мутававали 34,000 танга олган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Материалы для статистики Туркестанского края. «Ежегодник» Выпуск-IV,- Санкт-Петербург, 1876, стр. 116.

<sup>2</sup> Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 1-ш, 292-варақ.

<sup>3</sup> Климович Л. Ислам в царской России. Москва, 1936, стр. 106.

<sup>4</sup> Из истории Узбекистана XIX-XX в.в «Сборник научных трудов». Ташкент, 1975, стр. 22-23.

Шундай мулклардан бири Амир Темур масжид ва мақбарасини таъминлаб туриш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу вақф мулкининг ташкил этилганига 1869 йилдаги маълумотга кўра 500 йил тўлган. 1784 йилдаги июлномага асосан ушбу мақбаранинг тахминан 300 таноб ери мавжудлиги ва мазкур ердан (900 қўқан), яъни 180 сўм ижара ҳақи олинганлиги кўрсатилган бўлса, бошқа бир маълумотга кўра Амир Темур мақбараси вақф мулкидан (1250 қўқан) яъни 250 сўм даромад олинганлиги ҳамда «хирож» ва «таноб» солиғи тўлангани маълум қилинади.<sup>1</sup>

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, вақфномалар вақти-вақти билан янгиланган, вақф даромадлари ҳисобига кўра кўприклар, йўллар қурилган, мамлакатдаги камбағаллар, бева-бечоралар ва етим-есирларга ғамхўрлик қилинган.

---

1. Уз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 1-иш, 31-варақ.

## ЧОРИЗМ ИСТИЛОСИДАН КЕЙИН ВАҚФ МУЛКЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

Чор Россиясининг генерал ва амалдорлари дастлаб вақф мулклари билан Кавказ орти ҳамда Қримни босиб олганларида тўқнашган эдилар. Лекин Туркистон ўлкасининг ўзига хос хусусиятларини, мусулмончиликдаги унинг тутган ўрни ва қарашларини ҳисобга олиб, уни ўзлари учун зарарли деб эътироф этдилар ва вақф мулкларига нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлдилар. Шунинг учун ҳам уни иложи борича зўрлик билан йўқотмасликка ҳаракат қилинди. Генерал Черняев буйруғига биноан Кўкалдош мадрасасининг вақф мулки бўлган 69 та савдо растаси бузиб ташланди. Мазкур савдо расталари Кўкалдош мадрасаси учун ойига «5 тилло» яъни 19 сўм фойда келтирарди. Шунинг учун мадрасага бозор даромадидан ойига 19 сўм тайинланади. Лекин бу маблағ ҳам 1867 йилнинг декабр ойига қадар берилади. Кўкалдош мадрасасининг мутаввалиси ва муллаларининг 1884 йил 8 февралдаги ёзган шикоятномасида бу маблағнинг берилиши 1868 йили бекор қилинганлиги айтилган.<sup>1</sup>

1869 йилнинг 28 мартада берилган маълумотномага кўра, Тошкентдаги Назарбой вақф мулклари ўша вақтдаги шаҳар ҳокими Российский буйруғига биноан Тошкент хўжалик ишлари бошқармасига олиб берилган. Аслида эса Назарбой вақфлари Тошкентдаги қамбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирлар ҳамда Лашкарбоши мадрасаси ва унда таълим олувчи талабалар учун жорий этилганди. Бунинг натижасида мадрасада таълим олувчилар ва вақф даромади ҳисобига кун кечираётган 100 дан ортиқ бева-бечоралар ўзларининг охириги тирикчилик манбаидан ҳам маҳрум бўлдилар.<sup>2</sup> Генерал губернатор буйруғига биноан мазкур вақф еридан икки ҳисса солиқ ундирилган. Ундириб олинган 4932 сўм 28 тийин пул эса Тошкент хўжалик ишлари бошқармасига берилган. Кейинроқ эса, Назарбой вақф мулкларидан 1868 йилдан 1872 йилгача олинган фойданинг бир қисмини Туркистон Генерал Губернаторлигининг 1872 йил 3 июнь 3741-сонли буйруғига асосан «Меҳр-шафқат жамиятига» беришга қарор қилинди. Мазкур буйруқ 1872 йилнинг 13 июнида амалга оширилди.

<sup>1</sup> Ўз.РМДА: 36-фонд 1-рўйхат, 2366-иш, 24-варақ.

<sup>2</sup> Ўз.РМДА: 36-фонд, 1-рўйхат, 170-иш, 228-варақ.



1872 йилнинг 7 сентябрида Тошкент шаҳар Шайхантоҳур қисми аҳолисининг ҳарбий губернаторга ёзган шикоятномасида таъкидланишича, Тошкентдаги Ҳожа Аҳрор вақф ерининг бир қисми капитан Янчевский деган кимсага ғишт заводи қуриш учун берилган.<sup>1</sup> Мазкур ернинг қолган қисми эса шаҳарнинг руслар яшайдиган жойи деб эълон қилинган. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, ўша пайтда Назарбой вақф мулкларининг умумий қиймати 140,000 сўмни, Ҳожа Аҳрорнинг вақф мулки 300 минг сўмни ташкил этганди.<sup>2</sup>

1868 йил Самарқанд шаҳри чор армияси қўшинлари тамонидан истило қилингандан кейин диний маҳкамаларга тўланадиган «хирож» ва «таноб» солиғи (5/1) бешдан бир миқдорда деб эълон қилинган тадбир вақф ерларигагина тегишли эди. Давлат хазинасига тўланаётган солиқ эса аввалги ҳолда қолдирилганди. Бу тадбир шариат қонун-қоидалари ва вақфнома талабларига зид эди. Шунинг учун ҳам вақф мулки эгалари ва мутавваллар вақф маҳкамалари учун 5/1 миқдорда солиқ тўланиши уларни қўл остидаги, мактаб, қорихона, мадраса ҳамда вақф муассасаларини сарф-ҳаражатларини қоплай олмаслигини ва тадбирни давлат хазинасига тўланиши лозим бўлган солиққа нисбатан белгиланишини илтимос қиладилар. Лекин уларнинг бу илтимослари инobatга олинмайди.

Чор ҳукуматининг Самарқанда олиб борган босқинчилик ва талончилик сиёсатига қарши 1868 йилнинг ўзидаёқ моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушган Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг муллалари кўзғолон кўтардилар. Босқинчиларга қарши курашган ва ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилган мадраса муллалари Самарқанд беги томонидан қатл этилади.<sup>3</sup> Афсуски, бу кўзғолон ҳақида батафсил маълумотлар сақланиб қолмаган.

1870 йилга келиб генерал Кауфманнинг Хивага босқинчилик қилишидан олдин самарқандлик асл зодагонлар, қозикалонлар Жиззахга чақирилади. Худди мана шу вақтда Кауфман император буйруғига биноан маҳаллий аҳоли тўлаётган хирож солиғи миқдорини 10 дан 1 деб белгиланганлигини эълон қилади.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўз.РМДА: 36-фонд, 1-рўйхат, 170-иш, 229-варақ.

<sup>2</sup> «Туркистанские ведомость», 14 август, 1884.

<sup>3</sup> Ўз.РМДА: 2282-фонд, 1-рўйхат, 194-иш, 157-варақ.

<sup>4</sup> Ўз.РМДА: 1-фонд 12-рўйхат, 884-иш, 109-варақ.

Кауфманнинг юқоридаги тадбири Самарқанд аҳолисига маълум бўлгач, мутаввалилар ҳамда вақф мулки эгалари яна ҳукуматга мурожаат қиладилар. Бу вақф маҳкамаларини оғир аҳволга солиб қўйишни ҳисобга олиб, солиқни аввалгидек бешдан бир (5/1) миқдорида тўлашларини илтимос қиладилар. Лекин уларнинг бу илтимоси ҳам рад этилади.

Мустамлакачилар учун юқоридаги тадбирлар камлик қилганидек, 1872 йилга келиб Самарқандаги Юсуфбой мадрасаси ва унинг 22 та ҳужраси, 470 таноб ери босқинчилар томонидан тортиб олиниб, шаҳар касалхонасига айлантирилади. Бунинг натижасида мадрасага тегишли бўлган вақф даромади 300 танга - 60 сўм давлат фойдасига олинган эди. Мазкур мадраса аслида Юсуфбой томонидан ташкил этилган бўлиб, мадраса учун Бахши тепа қишлоғида 450 таноб, Қози қўрғон қишлоғида эса 20 таноб ер ажратилганди. Мадрасани касалхонага айлантириш билан вақф ерлари ҳам мустамлакачилар томонидан тортиб олинади.<sup>1</sup>

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти томонидан ушбу вақф ерларини ижарага бериш натижасида 260 сўм ижара ҳақи олган. 1873 йилга келиб мазкур вақф еридан 302 сўм 26 тийин фойда олинган. Вақф маҳкамасидаги мутаввалилар эса 1872 йилда 26 сўм 1873 йилда эса 30 сўм 22 тийин пулга эга бўлган. Олинган маблағ ўқув ишлари учун сарфланиши лозим эди. Лекин бу ерда вақф маҳкамасининг ўзи йўқ бўлиб, фақатгина унинг ери мавжуд эди.

Албатта, чор ҳукумати учун маҳаллий халқнинг илм олиш, маърифатли бўлишининг кераги йўқ бўлиб, саводсиз халқни бошқариш ва уни эксплуатация қилиш, осонроқ, эди. Шу мақсадни кўзлаганлиги учун ҳам Самарқанд шаҳри босиб олинган вақтдаёқ Улуғбек мадрасасининг бозор ичидаги йилига 600 сўм фойда келтираётган вақф мулки давлат фойдасига тартиб олинган эди.<sup>2</sup>

Чор ҳукумати томонидан бу тадбир аввалроқ яъни 1869 йилдаёқ бошланган бўлиб, ўша вақтдаги Зарафшон округи бошлигининг кўрсатмасига биноан, вақф мулкларидан карвонсарой, ҳаммом, тегирмон, савдо расталаридан келган даромадларни ҳам давлат хазинасига олинишини жорий этилганди.<sup>3</sup> Бунинг учун улар турли хилдаги баҳоналарни рўкач

---

1. Ўз.РМДА: 5-фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 130-варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 14-рўйхат, 33-иш, 1-варақ.

3. Ўз.РМДА: 1-фонд, 14-рўйхат, 28-иш, 1-варақ.

қилгандилар, яъни мадрасада таълим олувчиларни йўқлиги, шаҳарни руслар қўлига ўтгандан кейин мадрасаларда ўқиш бўлмаётганлиги таъкидланади. Аслида эса буларнинг ҳаммаси чор ҳукумати томонидан узоқни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётганди. Чор ҳукумати томонидан кўпчилик вақф маҳкамаларнинг ҳужжатлари 1870 йилда йиғиштириб олиниб, 1879 йилга қадар ва ундан кейин ҳам уларни ўз эгаларига қайтариб берилмаганлиги фикримизни яққол далилидир.

Бундан кўриниб турибдики, чор ҳукумати тамонидан вақф ҳужжатларини йиғиштириб олиш билан бу маҳкамаларни ўз қўлидаги далилий ашёдан ҳам маҳрум этган.

Ўрта Осиё хонликларини бирин-кетин босиб олаётган чор Россияси томонидан Қўқон хонлиги забт этилгач, генерал Кауфман яна ўзининг аввалги сиёсатини давом эттирди. Қўқон хонлиги босиб олингандан кейиноқ, яъни 1876 йилнинг кузидан бошлаб, «Ер солиқ» ҳамда вақф масалалари билан шуғуланувчи комиссия иш бошлади.

1880 йилнинг 18 майида Маҳмуд Дастурхончи мадрасасининг мутаввалиси Марғилон уезди бошлиғидан мазкур мадрасага тегишли вақф еридан олиниши лозим бўлган даромадни йиғиштириб олишга рухсат беришни сўрайди. Лекин унга фақат солиқни йиғиштириб олишда иштирок этишга рухсат берилади, холос.<sup>1</sup>

1881 йили Марғилон уездидаги масжид, мактаб ва мадрасаларнинг мулла, мударрис ва имомлари уезд бошқармасига қўйидаги мазмунда шикоят хати ёзган эдилар: «Аввало амирлик ва хонликлар даврида вақф маҳкамалари ҳеч қандай мажбуриятларни тўламаган эди, лекин шу йилдан бошлаб аҳоли яшайдиган ва яшамайдиган вақф мулкларига шундай солиқ солиндики, бу солиқни ҳаттоки ушбу ерларни сотган тақдиримизда ҳам тўлай олмаймиз. Шунинг учун ҳам ушбу солиқ миқдорини камайтирилишини илтимос қиламиз».<sup>2</sup> Аммо уларнинг бу илтимоси 1881 йили инобатга олинмагандан кейин, 1882 йили яна қайтадан шикоят хати ёзилади. Лекин бу ҳам инобатсиз қолдирилган. Келтирилган мазкур далиллардан албатта вақф маҳкамаларининг қандай аҳволда эканлиги кўриниб турибди.

---

1. Ўз.РМДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 35-варақ.

2. Ўз.РМДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 1390-иш, 1-варақ.

Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олинаётган вақтда мустамлакачилар ўзларига хизмат қилган ёки ёрдам берган шахсларга ҳам катта- катта имтиёзлар берганди. Шундай шахслардан бири Абдурахмон Офтобачи бўлиб, у 1875 йили Қўқон хонлигини армияси билан Генерал Скобелев бошчилигидаги чор армияси қўшинларига ихтиёрий равишда таслим бўлганди. Бунинг учун эса мустамлакачилар томонидан полковник унвони берилган ва умрининг охирига кадар уч минг сўм нафақа тайинланган эди.<sup>1</sup> Абдурахмон Офтобачи тириклик чоғида бу имтиёзлардан фойдаланди ва вафот этишидан олдин ўзининг Олтинкўл волостидаги ерларини Андижон шаҳридаги ўзи қурган мадраса учун вақф қилган эди. Ўша вақтда ушбу мадрасада 110 киши таълим олган ва булар Олтинкўл волостининг Дунқайма қишлоғидаги ердан олинган даромад орқали таъминлаб турилган. Лекин Офтобачи вафотидан кейин бу мадраса 1882 йилга келиб барча имтиёзлардан маҳрум этилиб унинг вақф даромадларини давлат хазинасига олиш бошланади. Бу ҳақда Абдурахмон Офтобачининг ўғли Абдумўмин қори генерал-губернатор номига ёзган шикоят хатида маълум қилганди.

Офтобачи мадрасасининг ҳақ-ҳуқуқларини чекланиши натижасида бу ердаги ўқув тарбия ишлари издан чиқади. Бундан ташқари бошқа бир тарихий ҳужжатда кўрсатилишича, Андижон шаҳридаги Офтобачи мадрасасининг вақф ҳужжати 1887 йили мутаввали Мадқул Мирза Мусулмонқулов томонидан ҳукуматга тақдим этилган. Лекин ушбу вақфнома 30 декабрь 1899 йилдаги қарор билан, сохта деб топилган.

Бу ерда яна шунга ҳам эътибор беришимиз керакки, мадрасанинг вақф ҳужжати 1887 йили топширилган бўлса, 1899 йили уни кўриб чиқилган. Абдурахмон Офтобачи ўғли Абдумўмин қорининг кўрсатишича, мадраса вақф даромадларини олиш ҳуқуқидан 1882 йили, яъни биринчи маротаба ер солиқ комиссияси ўз ишини тугатгандан кейин маҳрум қилинган. Демак, мадрасанинг вақф ҳужжати кўрилмай туриб унинг йўқ қилиниши тайин бўлган, 1887 йили вақф ҳужжатини топшириш билан мутаввали ягона далилий ашёддан ҳам маҳрум бўлган. Шунга қарамай, мазкур мадраса маҳаллий аҳоли

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 14-рўйхат, 637-иш, 1-варақ.



томонидан ташлаб қўйилмаган. Мадрасанинг Балиқчилик Дармонқул деган киши ўз ҳисобидан таъмирлаб берган.<sup>1</sup> Чор ҳукумати Абдурахмон Офтобачи вақф ерларини тортиб олиш билан берилган нафақаларни ҳам бир неча ҳисса ортиғи билан қайтариб олган.

1867 йилнинг 25 мартда генерал Кауфман томонидан Сирдарё ва Еттисув вилоятларини бошқариш тўғрисидаги лойиҳа ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳанинг 295-моддаси бевосита вақф мулкларига алоқадор бўлиб, бунда жумладан шундай дейилади - «Вилоят бошқармаларида ерларга тегишли бўлган вақф ҳужжатлари кўриб чиқилгандан кейин мавжуд тартиб- қоидага кўра улар солиқлардан озод этилган ва этилмаганларга ажратилади. Янги ташкил этилган вақф маҳкамалари эса умумий асосда хирож ва таноб солиқлари тўлашлари лозим».

Қабул қилинган ушбу ягона модда чор ҳукумати маъмуриятида вақф маҳкамаларига нисбатан турлича муносабатда бўлишга олиб келди. Мана шундан кейин орадан ўтган йиллар мобайнида генерал Кауфман раҳбарлигидаги Туркистон генерал губернаторлиги маъмурияти «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомини тайёрлади ва 1886 йили у подшо ҳукумати томонидан тасдиқланди.

«Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»да 265-266-, 267-, 286-, 289- ва 299-моддалар бевосита вақф масаласига тегишли эди.<sup>2</sup> Ушбу «Низом»нинг 265-моддасида шундай дейилади: «Қишлоқ жамоалари таркибига кирувчи ва ҳукумат томонидан эътироф этилган аҳоли яшайдиган вақф мулклари 255-261-, 263- ва 264-моддаларга асосан ўша жамоа аҳолиси ихтиёрида қолдирилади. Ҳукумат томонидан эътироф этилган аҳоли яшамайдиган «Вақфи авлод» мулклари мана шу авлод тугагунга қадар улар ихтиёрида қолдирилади». 266-модда: «Янги вақф маҳкамалари фақат генерал-губернаторнинг махсус рухсатномаси билан ташкил қилинади». 267-модда: «Вақф ҳужжатларини тасдиқлаш, уларни бошқариш ҳамда вақф даромадларини назорат қилиш, шунингдек уларни тафтиш этиш ишлари Вилоят бошқармаси зиммасига юкланади». Илова: «Дастлабки вақтда вақфномаларни текшириш ва

1. Ўз.РМДА: 19-фонд, 1-рўйхат, 33514-иш, 28-варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 630-иш, 28-варақ.

уларнинг ҳуқуқларини аниқлаш вақтинчалик ер солиқ комиссиясига юкланади».

286-модда: «Вақфномаларда олинган даромадлар масжид, мактаб ёки бошқа муассасаларга белгиланган бўлса, давлат томонидан солиқ олинмайди». Илова: «Янги ташкил этилган вақфномалар солиқлардан озод этилмайди».

289-модда: «Вақф ҳужжатлари бўйича даромадларининг бир қисми мактаб, мадраса, масжид ёки бошқа бир хусусий шахсларга берилаётган аҳоли яшамайдиган вақфлар ўз даромадларидан вақф маҳкамасига ажратган миқдорда давлатга тўлайдилар».

Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, илгари амир ва хонлар даврида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турилган вақф маҳкамалари чор ҳукумати даврида нафақат аввалги ғамхўрликлардан, балки ўз ҳақ-ҳуқуқларидан ва мол-мулкларидан ҳам маҳрум бўлаётган эди.

Туркистон генерал-губернатори бошлиқ бир гуруҳ амалдорлар бундан кейин вақф даромадларини уларнинг ихтиёрида қолдиришни ҳеч бир асоссиз деб ҳисоблаб, ижарачиларнинг вақф маҳкамаларига «Крепастной» қарамлигини тугатишга қарор қилишди.

1882 йили подшо Александр III буйруғига биноан «Туркистон ўлкасининг тафтиш қилиш ҳақида» буйруқ берилади. Мазкур тафтиш эса ўз навбатида махфий маслаҳатчи Гирс томонидан амалга оширилган.

Айни пайтда Гирс рус ҳукумати амир ва хонлари сингари вақф маҳкамаларига аввалгидек муносабатда бўла олмаслигини билдирган ва буни сабаби сифатида вақф даромадларини катталигини ҳамда булар кўплаб муассасаларни таъминлаб туришини очикдан-очик эътироф этган.<sup>1</sup>

Чунки, хайр-эҳсон тариқасида жорий этилган вақф маҳкамаларининг айрим жиҳатлари мустамлакачилар учун ҳам аҳамиятли эди. Шунинг учун Туркистон ўлкасини «тафтиш» қилган Гирс вақф мулклари масаласида қуйидаги хулосаларга келган:

«Хайр-эҳсон тариқасида жорий этилган вақфлар давлат солиқларидан ва «Земство» мажбуриятларидан озод этилсин.

---

1. Отчет Тайного Советника Гирса 1882 г., III гл. стр. 12.

Аҳоли яшайдиган вақф ерлари ўша ерларда яшовчи аҳолига вақф маҳкамасига солиқ тўлаш шарти билан берилсин. Аҳоли яшамайдиган вақф ерлари эса вақф маҳкамалари ихтиёрида қолдирилсин. Ўз авлоди фойдасига вақф қилинган мулклар шу авлоднинг хусусий мулки деб эълон қилинсин ва ҳар қандай имтиёзлардан маҳрум этилиб уларни давлат фойдасига солиқ тўлаши жорий этилсин».<sup>1</sup>

Гирсининг фикрларига яхшироқ эътибор берадиган бўлса, унинг вақф мулклари ҳақида мукаммал маълумотга эга эканлигини билиб олиш қийин эмас. Лекин у ҳам вақф маҳкамаларининг маҳаллий халққа таъсирини чеклаш ҳамда охир оқибатда йўқотиш учун йўл-йўриқларни кўрсатган эди.

1886 йили «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» имзоланган бўлишига қарамай, 1887 йилнинг 19 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ўзининг Фарғона вилоятидаги амалдорлари учун янги қўлланма ишлаб чиқилдики, бунда вилоят бошқармаси, комиссарлар, ер ўлчовчилар, комиссия аъзолари ва бошқа бир қанча амалдорлар учун йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берилган бўлиб, вақф масаласида ҳам тўлиқ маълумот берилиб, қилиниши лозим бўлган қуйидаги ишлари белгиланган эди:

Вақф мулкларини аниқлаш учун вилоят бошқармасига қўлланма.

1. Солиқ тузилиши тўғрисидаги 68 талабни бажариш мақсадида вилоят бошқармалари ўзларига топширилган вақф ҳужжатларини кўриб чиқиб ўз кучини йўқотган, сохта ҳужжатларни аниқлайди ҳамда мазкур ҳужжатларни инобатсиз қолдирилганлигини мулк эгаларига маълум қилади. Шундан кейин ўз қарорини тасдиқлатиш учун генерал-губернаторга юборади.

2. Вилоят бошқармаси қолган вақф ҳужжатларини тегишли комиссия орқали берилган кўрсатмага мувофиқ тарзда кўриб чиқиш учун комиссарларга беради.

3. Ушбу ҳужжатлар комиссиядан қайтариб олингандан кейин вилоят бошқармаси уларни ҳар томонлама кўриб чиқилганлигини аниқлагандан сўнг, ҳужжат асосида вақф мулки ҳуқуқини, комиссар ва комиссиянинг маълумотларини, ундан олинishi лозим бўлган солиқ ва фойдани текширади. Бундан ташқари, вилоят бошқармаси вақф маҳкамаси мулки-

1. Отчет Тайного Советника Гирса. 1882 г., III гл. стр. 8.

ни бошқариш, ҳамда уни тафтиш қилиш, даромадларни сарфлаш тўғрисидаги қоидаларни ишлаб чиқиш мақсадида комиссия томонидан берилган ҳамма рўйхатларни солиштириб чиқади.

4. Агарда вақф маҳкамаси ўз ерида яшаётган аҳолини ерга бўлган ҳуқуқини тан олса, у ҳолда мазкур вақф маҳкамасига вилоят бошқармаси давлат хазинасидан маблағ солиши мумкинлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради, қайсики бу маблағ вақф еридан олинадиган даромад миқдорига тенг бўлади.

5. Вилоят бошқармаси аҳоли яшаётган, лекин мулки бўлган ерларни мазкур ерда истиқомат қилаётган аҳоли жойи деб қарор қилади ва ушбу қарорни генерал-губернатор тасдиқлаши учун юборади.

6. Мазкур вақф ерларини аҳолини шахсий мулки деб тасдиқлангандан кейин вилоят бошқармаси томонидан уларга шундай ҳақидаги гувоҳнома берилади.

7. Ҳар ойда вилоят бошқармаси генерал-губернаторликка вақф мулкларини аниқлаб ҳисобот беради.

8. Вақф мулкларини ўлчаб чиқиш учун вилоят бошқармаси комиссар ихтиёрига битта вакил тайинлайди.<sup>1</sup>

Фарғона вилоятидаги вақф мулкларини аниқловчи комиссия учун ҳам қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, бу эса қуйидагилардан иборат эди:

1. Комиссия ўзининг биринчи мажлисида комиссарлар ўртасида вақф ҳужжатларини шундай ҳисоб-китоб билан тақсимлайдики, қайсики бунда вақф ҳужжатларини бир йўналишда бўлиши таъминланади.

2. Мажлис ўтказиладиган жой уезд шаҳарлари бўлиб унинг санаси ва вақти комиссия томонидан белгиланади, лекин ҳар ойнинг 20 санасида комиссия ўз иши тўғрисидаги ҳисоботини вилоят бошқармасига кўрсатиши зарур.

3. Комиссардан тегишли ҳамма қоғозлар билан вақф мулклари тўғрисидаги хулосалар олингандан кейин буларни комиссия кўриб чиқади, агар олиб борилган текшириш тўла бўлсагина комиссия ўз хулосасини чиқаради ва шундай вақф маҳкамалари рўйхатини вилоят бошқармасига тақдим этади. Етарли бўлмаган маълумотларни ўзлари тўлдиради ёки бўлмаган комиссарларга тўлдириш учун қайтаради.

1. Уз.РМДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 458а-иш, 45-варақ.



4. Вақф ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнида комиссия ўз мажлисига маслаҳатлашиш учун мусулмон қонунларини билган кишиларни жалб этиш ҳуқуқига эга, лекин мазкур шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

5. Комиссия вақф мулки эгаларидан икки ҳафта муддат ичида вақф мулкларини аниқлашга доир масаладаги шикоятларни қабул қилади ва бунинг натижасини икки ҳафта ичида маълум қилади.

6. Агар кўриб чиқиш учун тавсия этилган ишларда мавжуд қонун ва қўлланмалардан четга чиқиш ҳоллари бўлса, бу камчиликлар тузатилиши лозим.

7. Комиссия ишларининг тўғри олиб борилишини кузатади ва ойлик ҳисоботларини кўриб чиқади.

8. Комиссия масъул шахсларнинг камчиликларини ва ўз мансабини суистеъмол қилиши ҳақида вилоят бошқармасига маълумот беради.

9. Комиссия вилоят бошқармасига ойлик ҳисоботларни ва йиғилиш қарорини тавсия этади.

10. Вилоят бошқармаси томонидан нотўғри деб топилган ва қайтариб берилган вақфномалар комиссия томонидан қайтадан кўриб чиқилади, агар мазкур ҳужжатларга тузатиш киритишни иложи бўлмаса бунинг сабаблари батафсил кўрсатилади ва ушбу ҳужжатни вилоят бошқармаси генерал-губернаторлик канцеляриясига тавсия этиш учун юборилади.

11. Умумий мажлисда комиссия томонидан кўриб чиқилмайдиган барча ҳужжатлар комиссия раисининг ёзишмалари билан уезд бошқармасига юборилади.<sup>1</sup>

Бундан кўриниб турибдики, Туркистон ўлкасини босиб олган мустамлакачилар нима қилиб бўлса ҳам вақф маҳкамаларининг ҳақ-ҳуқуқларини чеклашга ҳаракат қилганлар.

Албатта бу қўлланмадан ташқари «бош ер ўлчовчи» комиссарлар учун ҳам ҳар хил мазмундаги қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Комиссиялардан вақфномаларни 1887 йилнинг 1 июлига қадар бўлган муддат ичида вилоят бошқармаларига топшириш талаб этилди. Шу муддат ичида топширилмаган вақф ҳужжатлари қалбаки ҳисобланади ва ўз кучини йўқотади деб эълон қилинди.<sup>2</sup>

---

1 Ўз.РМДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 458а-иш, 46-варақ.

2 Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 630-иш, 29-варақ.

Чор ҳукуматининг ушбу тадбири ҳақида унинг кўзга кўринган полковниги Гиппиус бундай деганди: «Бу билан ўз воситачилигимизни таклиф этиб, қоғозда кўп нарсани ваъда берган ҳолда вақф маҳкамаларининг ерида яшаётган ижарачилар ёки умуман халқ билан вақф маҳкамаларининг бевосита алоқаси дарҳол тўхтатилди ва дастлабки вақтда ҳақиқатдан ҳам солиқлардан ёки берилган имтиёзларга нисбатан норозилик билдиргани учун вақф маҳкамаларига хазинадан талаб этилган сумма қайтарилди. Бироқ бу масалани батамом тартибга солиш учун 1887 йилнинг 1 июлига қадар бўлган муддат ичида барча вақф ҳужжатларини топшириш талаб этилди, топширилмаганлари эса қонуний кучга эга эмас деб эълон қилинди. Шунга қарамай топширилган ҳужжатларнинг 90% ни кўриб чиқишга киришилмади, қолган 10% дан фақат ундан бир қисмигина биз томондан истисно тариқасида тан олинди. Бизга ишониб ўзларининг ҳуқуқий далилларини тақдим этган барча вақф маҳкамалари охир оқибатда рус ҳукмронлигида нафақат аввалги ўз даромадларидан, ҳатто қонуний қилиб айтганда, уларнинг келгусида фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этдилар.<sup>1</sup>

Мана шундай кайфиятда бўлганлик учун ҳам ҳукумат томонидан йиғиштириб олинган вақф ҳужжатларини текшириш ишлари пайсалга солиб келинди. Бу эса вақф маҳкамалари ишларида тартибсизликларни вужудга келтирди. Албатта, бир қарашда бу қонун-қоидалар мукамал бўлиб кўринади. Аммо маҳаллий халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳис-туй-ғулари бир неча минг йиллик урф-одатлари, миллий қадриятлар таҳқирланаётганди.

Генерал Кауфман раҳбарлигида тайёрланган ва бир неча бор қайта ишлаб чиқилган Низом 1886 йилга келиб чор Россиянинг босқинчилик, талончилик мақсадларига тўғри келгандан кейингина тасдиқланган эди. Бу ерда шуни алоҳида кўрсатиб ўтишимизга тўғри келадики, ушбу Низомдаги вақф мулклари масаласига йилдан-йилга ўзгартиришлар киритилган.

Ўрта Осиё ҳудудида амир ва хонлар ҳукмронлик қилган даврда вақф маҳкамаларини доимо қўллаб-қувватлаб турган-

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-шш, 67-варақ.

лар яъни уларни солиқлардан озод этиб турли «ёрлиқ» ва «иноятнома»лар берганлар. Лекин берилган бу имтиёзлар фақатгина мазкур хоннинг ҳукмронлик даврига тегишли бўлган. 1886 йил «Низоми»да шу тасодифий бир белги вақф тушунчасидан иборат деб қабул қилинди ва шундан бошлаб чиқарилган қўлланмаларда унга қараб иш олиб борилди. Ҳақиқатда эса амир ва хонлар вақф маҳкамасининг ҳуқуқини чеклай ҳам олмасди, имтиёз ҳам беролмасди.<sup>1</sup>

Хонлар томонидан вақф маҳкамаларини солиқлардан озод этилиши мазкур вақф маҳкамасига келган инъом ҳисобланарди. Халқ томонидан вақф маҳкамасига тўланаётган солиқ ижара ҳақидан иборат бўлиб, вақф маҳкамасининг ўзи бево-сита мазкур ерни ишлай олмаслиги сабабли уни ижарага берар эди. Демак, бу ерда ижара доимий бўлиб, у шариат қонун-қоидаларига мос келади. Амир ва хонлар томонидан берилаётган имтиёзлар тасодифий ва вақтинчалик эди. Булар эса чор ҳукумати томонидан қўшиб юборилган эди, яъни ижара ҳақи солиққа нисбатан берилган имтиёз билан аралаштириб юборилганди. Ушбу фикримизни юқорида келтирилган 299-модда ҳам тасдиқлайди.

«Аҳоли яшайдиган вақф мулкларининг даромади мактаб, мадраса, масжидларга тегишли бўлса ёки ҳайр-эҳсон тариқасида ташкил этилган бўлса мазкур вақф маҳкамалари давлат хазинасидан ўзларига тегишли маблағни оладилар. Даромаднинг қолган қисми давлат фойдасига олинади». Ушбу моддага яхшироқ эътибор берадиган бўлсак, бу ерда «ер» аслида вақф маҳкамаси мулки бўлиб «вақфнома» талабларига кўра унга эгалик қилиб олиш мумкин эмас. Вақф маҳкамаси эса мазкур ерни ижарага бериш орқали доимий даромад олиб турганди. Давлатнинг аввалги ерга бўлган муносабатни сақлаб қолиши қуйидагиларга ҳалал берарди:

1. собиқ хонлар даврида солиқлардан озод этилган вақф маҳкамаларига имтиёзлар берилиши керак;

2. вақф маҳкамалари аввал ҳам «Хирож» ва «Таноб» солиқларидан озод этилган бўлса олинган даромадни уларга қайтариш лозим;

3. вақф маҳкамалари доимий олиб келган ижара ҳақини ҳам қайтариш керак.

---

1. Ўз.МРДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 66-варақ.

Бу учта талаб ҳақида чор ҳукуматининг полковниги Гиппиус шундай деган эди: «Булардан иккитасини бажариш биз учун шарт эмас. Лекин ижара ҳақини қайтариш ҳаққонийликни талаб этади».<sup>1</sup> Бу ерда ҳамма фойда солиқ олишда бўлиб, қолган даромад мазкур ерда истиқомат қилаётган аҳолининг фойдаси ҳисобланади. Бундан шу нарса маълум бўладики, ердан олинадиган солиқни вақф маҳкамасига беришни давлат хоҳламаяпти, чунки бу хазина учун зарарли эди.

Энди мазкур ҳолатни аҳоли яшамайдиган ерлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, вақф ерида ишлаётган аҳолини олинган хосилни ундан бир қисми миқдорда солиқ тўлаши билан вақфнинг даромади камайиб бормоқда, чунки авваллари бу солиқ учдан бир қисм миқдорда эди. Вақф маҳкамаси мазкур ерни ўзи ишлаб эка олмайди. Шунинг учун ҳам уни ижарага беришга мажбур бўлиб, бунинг эвазига даромаднинг маълум бир қисми бериларди. Шундай қилиб мустамлакачилар вақф ҳужжатини тан олмаслик билан уни ердан ҳам маҳрум этиш билан бирга маҳаллий мактаб, мадраса, қорихона ёки бошқа вақф маҳкамалари билан бўлган муносабатини йўқотиб бормоқда эди.

Шунингдек, ҳукумат томонидан вақфномаларда «хон» ёки «амир»нинг муҳри бўлганларини ҳақиқат деб ҳисобланди. Бу эса ҳақиқий нотўғри сиёсат бўлиб, бундай тарзда иш юритиш натижасида биргина Фарғона вилоятининг ўзида 10.000 га яқин вақф ҳужжатлари кўрилмай қолиб кетди.<sup>2</sup>

Ушбу сиёсат кейинчалик Наливкин томонидан вақф масаласини ўрганиб чиқиш жараёнида ҳақиқатдан ҳам «хон» ёки «амир»лар муҳрининг бу ерда ҳеч қандай аҳамияти йўқлиги фақатгина бу билан уларга имтиёзлар берилгани исботланди. Лекин Наливкин томонидан исботланган бу фикрлар 1886 йил 8 декабрида «ер-солиқ» ҳамда вақф масалаларини қайта кўриб чиқиш учун ҳукуматга топширилган ва 1887 йилнинг 2 январида кўриб чиқилган вақтда ҳам инobatга олинмади.

Албатта, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти бу ерда вақф маҳкамаларига тегишли бўлган даромадларни

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 66-варақ.

2. Ўз.РМДА: 2282-фонд, 1-рўйхат, 194-иш, 165-варақ.



тақсимлаш билан 150.000-200.000 сўм маблағга эга бўлаётганди ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, мустамлакачилар Туркистон ўлкаси учун йилига 4.000 000 сарфлаётганди. Ердан олинаётган солиқларнинг ўзи эса 4.000 000 сўмни ташкил этарди.<sup>1</sup>

Вилоят бошқармалари томонидан вақф ҳужжатлари қуйидагича учта талабга мос келган ҳолатгина тасдиқланади.

а) ҳар бир вақф ҳужжатида камида битта Қўқон хони ёки Бухоро амирининг муҳри бўлиши шарт. Қозилар ва бошқа бекларнинг муҳрлари бўлган вақфномалар ҳеч қандай қонуний кучга эга эмасдир.

б) мазкур ҳужжатларда вақф қилинган ер майдони ёки қишлоқнинг жойлашган ўрни солиқлар озод этилган вақти бўлиши лозим.

в) вақф маҳкамасининг ушбу даромаддан воз кечганлиги ҳақидаги ҳужжат бўлиши зарур.

Агарда ерларни вақф маҳкамаси томонидан бегона кишилар қўлида эканлиги тан олинса, у ҳолда вилоят бошқармаси мазкур вақф маҳкамасига ердан олинадиган даромад ўрнига давлат хазинасидан мукофот олиш мумкинлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Бу ўринда эътибор беришимиз керакки, ер аслида аҳолига эмас, балки вақф маҳкамасига тегишли. Худди шу вақф масаласида ўша вақтда Туркистон ўлкасининг архиепископи бўлган Александр шундай деган эди: - «Вақф мулкларини йўқотиш бу маҳкамаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш нафақат давлат, балки христианликка ҳам тўғри келмайдиган сиёсатдир. Меҳр-шафқат, хайр-эҳсон тариқасида ташкил этилган маҳкамаларни йўқотиш ҳақида уйлашнинг ўзи православ таълимотига зиддир. Агар галаба қозонганлар сифатида улардаги энг яхши нарсаларни йўқотсак маҳаллий халқ биз ҳақимизда нима деб уйлайди? Православ черкови бу масалада ўз ҳукуматига маслаҳат бера олмайди».<sup>2</sup> Лекин архиепископнинг бу фикрлари Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан инобатга олинмади.

Юқорида кўрсатиб ўтканимиздек, вақф ерларида ишлаётган ва истиқомат қилаётган аҳолидан ўндан бир миқдорда

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 68-варақ.

2. Савицкий А.П. «Поземельный вопрос в Туркестане», - Ташкент, 1963, стр. 124.

солиқ ундираётган бўлиб, бу тадбир аввало Урта Осиё ҳудудини босиб олиш вақтида жорий этилганди. Лекин 1877 йилга келиб Зарафшон округида бу тадбир бекор қилинади. Унинг ўрнига ҳар бир таноб ердан солиқ олиниши аҳолига эълон қилинади. Шунинг учун ҳам аҳолидан олинадиган солиқ миқдорини аниқлаш учун «Волост» бошқарувчилари раҳбарлигидаги ер ўлчовчилар бу ишга сафарбар этилади. Худди мана шу пайтда ер ўлчовчилар томонидан вақф ерларини ҳужжатдагидан кам қилиб кўрсатилган ҳолда ҳисобот берадилар.<sup>1</sup> Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вақф ерларини ўлчаб чиқиладиган пайтда бирорта ҳам мутаввали ёки вақф мулки эгасини чақирилмаган эди. Албатта бундан хабардор бўлган вақф эгалари ва мутаввалилар бундай сохта ҳужжатнинг тайёрланишини ўша вақтда шаҳар ҳокими бўлган Шпицбергга маълум қиладилар. Вилоят ҳокими эса бу талабни бажара олмаслигини ва бундан кейин барча ерлардан олинадиган солиқлар «Волост» бошқарувчилари томонидан йиғиб давлат хазинасига топширилишини, шундан кейингина вақф маҳкамаларига берилишини маълум қилади. Шундай қилиб, вақф даромадларини йиғиб олиш «Волост» бошқарувчилари зиммасига юкланади.

1887 йилга келиб генерал Шпицберг ўрнига Арендаренко Самарқанд ҳокими этиб тайинланди. Мана шундан кейин вақф мулкларини қайтадан кўриб чиқиб, 1873 йили рус ҳукумати томонидан тортиб олинган Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг ҳужжаларини ўз эгаларига қайтарилади. Бундай ҳақиқатни кўрган вақф мулкларини эгалари ва мутаввалилар «Волост» бошқарувчилари ўз мансаби туфайли вақф даромадларидан фойдаланаётганлигини айтиб ўз ерларини қайтадан ўлчашни вилоят ҳокими Арендарекодан илтимос қиладилар. Лекин уларнинг бу илтимосига ҳақиқатдан ҳам вақф маҳкамалари ерларидан кўп солиқ олинаётганлигининг унга ҳам маълум эканлиги, ерларни иккинчи маротаба ўлчаб чиқиш учун эса буйруқ берилмаганлигини мутаввали ва вақф мулки эгаларига очиқ-ойдин айтади.<sup>2</sup> Бундан кўриниб турибдики Туркистон генерал-губернаторлиги қонундан ҳам четга чиқиб вақф маҳкамаси билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатларни зўрлик билан йўқотмоқда эди.

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 110 варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 110 варақ.

Шундай қилиб, вақф маҳкамалари 1877 йилларда ўз ерларидан олинган даромадни уезд бошқармасидан олаётган бўлиб, шунда ҳам мазкур даромаднинг бир қисми ушлаб қолинаётганди. Мустамлакачилар амалга ошираётган бундай тадбирлар туфайли бошқа ерларда ҳам аҳвол худди шундай эди. Жумладан, Қўқон хонлиги чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин уезд маъмурияти ташаббуси билан мадраса ва диний маҳкамаларда лавозимлар қўшиб юборилди. Мутававилар янги ҳукуматга маъқул келгандан кейингина тайинлаётган эди. У эса вақфнома талабларига ва шариат қонун-қоидаларига зид бўлиб мактаб, мадрасалардаги таълим тарбия ишларини издан чиқишига олиб келмоқда эди. Бу ҳақда ўша вақтларда нуфузли шахслардан бири бўлган Муҳиддин Ҳожи шундай деганди: «Маълумки вақфномага асосан вақф мулкларидан олинган даромад биринчи навбатда мазкур вақф маҳкамасини, яъни мадрасани таъмирлаш учун, кейин эса ўқитувчи ва муллалар эҳтиёжи учун сарфланарди. Айни пайтда эса мусулмонларнинг ўқув ишларида тартибсизликлар юз бермоқда. Мадрасаларнинг истеъдодсиз кишилар эгаллаб олган бўлиб мазкур маҳкама учун зарур бўлган кишилар эса четда қолмоқда. Шунинг учун ҳам бу ердаги вақф даромадлари талон-тарож қилинмоқда. Бунинг асосий сабаби бирор-бир маҳкама ёки шахс томонидан мазкур ўқув даргоҳларининг назорат қилинмаслигидир. Туркистон ўлкаси рус ҳукумати томонидан босиб олингандан буён биронта ҳам раҳбар бизнинг ўқув ишларимиз қандай аҳволда, нималар ўқитилмоқда ва қандай усул билан иш олиб борилмоқда деб қизиққани ҳам йўқ. Бунинг исботи сифатида биронта ҳам ходимнинг рағбатлантирилмагани ёки уларга нисбатан чора кўрилмаганлигини кўрсатишимиз мумкин. Агар ушбу ҳолат давом этадиган бўлса у ҳолда ёш авлодлардаги илмга қизиқишни йўқотиб бориши, ҳатто ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.<sup>1</sup>

Муҳиддин Ҳожи томонидан бундай далилларни келтириши масаласига келсак бу чор ҳукумати амалга ошираётган тадбирларнинг самараси бўлиб булар мустамлакачилар учун айни муддао эди».

Мана шундай бир пайтда 1891 йилнинг 10 апрелига келиб вақф маҳкамаларининг мулклари тўғрисидаги аввалги қонун-

1. Уз.РМДА: 1-фонд, 11-рўйхат, 326-иш, 91-93 ҅арақ.

қоидалар барон Вреевский томонидан яна қайта ишлаб чиқилади. Бунда вақф маҳкамалари ва уларнинг мулклари, ҳуқуқи мазкур маҳкамаларни солиқлардан озод этиш билан аралаштириб юборилади. Жумладан, вилоят бошқармалари учун қайта ишлаб чиқилган қўлланманинг 5-моддасида шундай дейилганди: Вилоят бошқармасига топширилган вақфнома-лардан «амир» ва «хон»ларнинг муҳри бор бўлган вақф ҳужжатлари ажратиб олиниб махсус комиссия орқали Комиссарга ўрганиб ва текшириб чиқиш учун берилади. Қолган вақфномалар эса кейинги кўрсатмалар бўлгунга қадар вилоят бошқармасида қолдирилади. Бундай қонунга хилоф равишда иш тутиш билан кўпчилик вақф ҳужжатларини текшириш тўхтатиб қўйилди. Энди вилоят бошқармалари ва комиссарлар томонидан асосан мазкур вақф маҳкамаларини давлатга солиқ тўлашига ҳамда уларнинг ҳужжатларини генерал-губернаторлик ишлаб чиққан қўлланмаларга жавоб бериш масалалари ўрганила бошланди».<sup>1</sup> Бу билан вилоят бошқармалари ва комиссия аъзоларини сохта йўлга солиб қўйилди яъни эндиликда асосий диққат эътибор «амир» ва «хон»лар муҳри масаласига қаратилмоқда эди.

Вилоят бошқармаларига вақф ҳужжатларини топширилгандан бери анча вақт ўтди. Албатта, орадан ўтган шу давр мобайнида кўпгина мутаввалилар қазо қилди. Уларнинг ўрнига эса янги мутаввалилар тайинланган бўлиб, буларнинг кўпчилиги ҳақиқий вақф ҳужжатларини кўрмаган ва бу ҳужжатларни қачон, қай вақтда кимга топширилганини ҳам билмасди, чунки вақф ҳужжатларини ҳукумат томонидан олингани ҳақида тилхат берилмаган эди. Лекин мутаввалилар вақф маҳкамаси учун давлат хазинасидан пул олаётганди. 1891-1892 йилларда вақф ерларини текшириб, ўлчаб чиққанларида ушбу ерлар вақфномаларда бошқача эканлиги маълум бўлди. Албатта, бунинг сабабини мутаввалиларнинг кўпчилиги янги тайинлангани учун ҳам тушунтириб бера олмадилар. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб, ўтишимизга тўғри келадики, 1877 йилги текширув натижасида вақф ерларининг майдони ҳужжатдагидан кам қилиб ёзиб олинганди.<sup>2</sup>

Комиссарларнинг юқоридаги саволларига кўпчилик вақф ерларида ишлаётган аҳоли жавоб бериб ернинг ҳақиқатдан

---

1. Ўз.РМДА: 19-фонд, 1-рўйхат, 33514-иш, 106-варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 109-варақ.



ҳам вақф ери эканлиги ва унинг майдони шунча, шу ерларни ўз ичига олади деб тушинтирди. Лекин уларнинг бу кўрсатмалари инобатга олинмади ва вақф ҳужжати шубҳали деб белгилаб олинди.<sup>1</sup>

Самарқанд вилоятида комиссарлар томонидан бошқа вақф Шердор ва Тиллакори мадрасасининг собиқ мутаввалиси Маҳди Хўжа Офтоб Хўжаев комиссарнинг ер тўғрисидаги ҳамма саволларига жавоб бера олди.

Мазкур савол-жавоблардан кейин комиссарлар вақф ҳужжатларида собиқ хонларнинг муҳри йўқ, фақатгина қозиларнинг муҳри бор, демак бу ҳужжатлар сохта деган хулосага келдилар. Мана шундан кейин ҳамма вақф ерлари, жумладан, ҳонақо, намозгоҳ ва қўрғонлар учун таъсис этилган вақф мулклари ҳам давлатга хирож тўлаши лозимлиги ҳақида қарор қилдилар. Кейин эса ушбу қарор мутаввалиларга ўқиб эшиттирилди ва уларни рози эканликлари ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйишга мажбур этилди. Лекин мутаввалилар бунга рози бўлмадилар. Худди шу вақтда уларни рози эмасликлари ҳақида қўл қўйишга мажбур этилди. Бунга баъзи бир мутаввалилар қўл қўйган бўлсалар бошқалари қўл ҳам қўймади.<sup>2</sup>

Демак, бу ерда ҳам аввалги мустамлакачилар сиёсати давом эттирилди. Бунинг натижасида мактаб, қорихона, мадраса ҳамда етим-есирлар, камбағаллар учун ташкил этилган кўпчилик вақф мулклари талон-тарож қилина бошланди. Бундай вақф мулклари Фарғона водийсида кўпчиликни ташкил этарди. Буни 1894 йилда Ноливкин томонидан тўпланган маълумотдан ҳам билишимиз мумкин.

№	Вақф мулкни номи	Сирдарё вилояти	Фарғона вилояти	Самарқанд вилояти	Туркистон ўлкаси бўйича ҳаммаси
1.	Савдо расталари	198	1820	90	2208
1.	Савдо расталарининг ўрни	912	62	-	974
2.	Карвонсарой	10	41	7	58
3.	Ариқлар	3	6	-	9
4.	Ҳаммом	6	17	1	24
5.	Тегирмон	4	8	3	15

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 11-варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 113-варақ.

Булардан ташқари, Қўқондаги Мадалихон мадрасаси учун шаҳардаги кўмир ва туз бозори, Қўқон шаҳридаги Жомий мадрасаси учун Яйпан уездидаги бозорнинг ҳаммаси Чимён мадрасаси учун Марғилон уездининг Чимён қишлоғидаги бозор вақф қилинган эди.<sup>1</sup> Шунингдек, Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мадрасаси 52 та савдо растаси ва 300 та савдо растаси ўрни учун ҳамда 2 таноб ердан ва битта карвонсарой учун 670 сўм олган бўлса, Зангиотадаги мадраса Тошкент шаҳри ичидаги ҳаммомдан 600 сўм даромад оларди.

1894 йилга қадар вақф мулклари бўлган маҳкамалар улардан ташқари вақф ерида яшаётган аҳолидан хирож ва таноб солиғи олганлар. Лекин бу тадбир 1894 йилнинг 9 июнидаги ҳукуматнинг 27-сонли буйруғига асосан ер учун белгиланган умумий давлат солиғи билан алмаштирилган.

Энди мана шу йилларда Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятларида ва вақф маҳкамалари ерларидан олинган солиқни ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, бу йилига тахминан 200.000 сўмни ташкил этарди. Ҳақиқатда эса вақф маҳкамаларига давлат хазинасидан қуйидагича ҳақ тўланган эди.

### **Фарғона вилояти бўйича.**

1881 йилдан 1895 йилгача ҳар йили 91.815 сўм 51 тийин.

1896 йилдан бошлаб бу маблағ аста-секинлик билан қисқаритирилиб борилган. 1906 йилда бор йўғи 16.079 сўм 28 тийин тўланган. Бу охириги йилдаги 16.079 сўм 28 тийин ҳам 51 та вақф маҳкамаси ўртасида тақсимланган. Бундан ташқари ҳали 39 та вақф маҳкамасининг ҳужжати кўриб чиқилмаган бўлиб, уларга тегишли бўлган 5.000 сўм 24 тийин давлат хазинасига келиб тушмоқда эди.

### **Самарқанд вилояти бўйича**

1881 йилдан 1898 йилгача ҳар йили 46.418 сўм 37 тийин.

1894 йилдан Самарқанд уезди бўйича вақф маҳкамаларига маблағ бериш тугатилган бўлса, 1902 йилдан Каттақўрғон уездидаги вақфларга ҳам давлат хазинасидан маблағ бериш

---

1. *Туркистанские ведомости, 1906, № 120-121, Вақф масаласи ҳақида.*

бутунлай тўхтатилган. Сирдарё вилояти бўйича бирорта ҳам вақф маҳкамасига давлат хазинасидан маблағ берилмаган. Шундай қилиб, давлат хазинасидан берилаётган маблағ 138.233 сўм 88 тийинни ташкил этмоқда.

Бу ўринда шунга ҳам эътибор беришимиз керакки, вақф маҳкамалари томонидан вилоят бошқармаларига топширилган ҳужжатларни 90 % хон ва амирлар муҳри йўқ деган баҳоналар билан ханузгача кўриб чиқилмаётган бўлиб бу маҳкамаларга давлат хазинасидан маблағ ҳам берилмаётган эди. Қолганлар эса шу маблағни олишдан ҳам маҳрум этилаётганди.

Бу ҳақда Туркистон генерал-губернаторлигининг кўзга кўринган полковниги Гиппиус шундай деган эди: «Ҳозирги вақтга келиб бизларга ишонмай ёки бошқа бир сабаблар билан ўз ҳужжатларини вилоят бошқармаларига топширмаган вақф маҳкамаларини аҳволи нисбатан яхшидир, чунки булар вақт ўтиши билан ёки рус ҳукумати ағдариб ташлангандан кейин янги ҳукмдорлар даврида ўз ҳақ-ҳуқуқларини тикланишига умид қилишлари мумкин». Лекин ҳужжатларини ишониб топширганларга эса ўз ҳақ-ҳуқуқларидан бутунлай ажраб қолиши хавфи туғилмоқда, чунки бу маҳкамаларга ҳужжатларини қайтаришни ҳеч қандай кераги йўқ. Вақтлар ўтиши билан бу ҳужжатлар бузилади ва йўқолиб кетади».<sup>1</sup> Шундай қилиб, Чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасидаги 20-25 йиллик ҳукмронлигига назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки вақтда мустамлакачилар маҳаллий халқ олдида катта-катта ваъдалар бериб шариат қонун-қоидаларини эътироф этмоқчи бўлган бўлсалар, кейинчалик турли хилдаги низомлар, кўрсатмалар ишлаб чиқилиши натижасида вақф масаласи умуман чалкаштириб юборилди ва боши берк кўчага киритиб қўйилди. 1899 йили Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан вақф маҳкамалари мулклари масаласини кўриб чиқиш вақтида шундай дейилган эди: «Биз шуни унутмаслигимиз керакки, Урта Осиёнинг мусулмон халқи Ислом динига доимо содиқ бўлган мусулмон мамлакатлари билан чегараланмагандир. Ислом дини эса доимо давлат билан мустаҳкам бўлган ва шу туфайли маҳаллий халққа ўз таъсирини ўтказиб келган. Ҳозирга келиб

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 72-варақ.

эса Ислом Туркистон ўлкасидаги ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди. Христиан давлатининг Ислом билан кураши унинг маҳаллий халққа бўлган таъсирини аста-секинлик билан чеклашдан иборат. бўлмоғи лозим».<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам Чор ҳукумати Фарғона вилояти генерал - губернаторлигининг таклифига биноан вақф мулкларидан олинган даромад мусулмон ўқув ва хайрия маҳкамларини таъминлаб турганлиги учун ҳам бу маблағларни бундан кейин уларнинг ихтиёрида қолдиришни хавфли деб ҳисобланади.

Албатта, бу маблағларни уларнинг қўлига бермаслик, ўзидан вақф даромадлари ҳисобига фаолият кўрсатаётган мактаб, масжид ва мадрасаларнинг беркилишига олиб келарди.

Ҳақиқатдан ҳам Туркистон генерал-губернаторлигига берилган маълумотларга кўра, шу вақтга қадар Туркистондаги Беклар беги, «Лашкарбоши» ҳамда Андижондаги Абдурахмон Офтобачи ва Марғилондаги Шарифбой мадрасалари ўз фаолиятини тўхтатган эди.<sup>2</sup> Шунингдек, 1880 йили Андижон уездининг Жалолқудуқ волостидаги «Шайх Ҳутайфа» мадрасаси мутаввалиси вақф ерларини солиқлардан озод этилган бўлишига қарамай, мазкур вақф еридан тўла ҳисобда солиқ олинаётганлиги маълум қилинганди.<sup>3</sup>

Бундан ташқари, 1882 йилнинг 26 июлидаги №4372 сонли шикоятномада таъкидланишича, Марғилондаги «Холмуҳаммад Додхоҳ» мадрасаси мутаввалисининг ҳарбий губернатордан мазкур мадрасага тегишли бўлган вақф еридан олинган 1876-1877, 1878-1879 йиллардаги даромадни мадрасага берилишини илтимос қилган эди.<sup>4</sup>

1893 йилдан бошлаб мустамлакачилик томонидан қайтадан «Земство» солиғини жорий этилиши масаласига келсак, генерал лейтенант Черняев ва Колпаковский ҳукмронлик қилган даврида Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Ўш уездидаги вақф маҳкамалари ерларида яшаётган аҳоли 35 фоизли «земство» солиғидан озод этилганди. Лекин Фарғона вилояти

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 11-рўйхат, 1724-иш, 106-варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 27-рўйхат, 1138-иш, 2-3-варақ.

3. Ўз.РМДА: 19-фонд, 1-рўйхат, 24373-иш, 243-варақ.

4. Ўз.РМДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 2765-иш, 1-варақ.



аҳолисидан олиниши лозим бўлган мазкур солиқ бекор қилинган бўлсада, 1881-1884 йиллар учун деб билгилаб ҳукуматининг кирим ва чиқим дафтарларидан чиқариб ташламаганди.<sup>1</sup>

Шунинг учун ҳам мазкур вақф ерларидан олиниши лозим бўлган «земство» солиғи 1885 йилдан бошлаб 1893 йилга қадар олинмайди. Лекин 1894 йилга келиб бу солиқ Фарғона вилоятида яна қайтадан жорий этилади. Бу ерда шуни алоҳида кўрсатиб ўтишимизга туғри келадики, чор Россияси ҳукмронлиги даврида чекланган ҳуқуққа эга бўлган «Земство» муассасалари мавжуд эди. Маҳаллий аҳолининг вақф ерларидан ундирилаётган солиқ асосан шу номдан олинганди.

Бундан ташқари, яна шунга ҳам алоҳида эътибор беришимиз керакки, мустамлакачиларнинг Фарғона водийси ҳамда Зарафшон воҳасидаги олиб борган сиёсатида катта фарқ бор бўлиб, бир ерда жорий этилган тадбирлар иккинчи ерда бутунлай бошқача тарзда ҳам олиб борилган.<sup>2</sup> Албатта чор ҳукуматининг юқоридаги тадбирлар туфайли вақф маҳкамаларнинг аҳволи тобора оғирлашиб бормоқда эди. Буни эса қуйидаги мисолдан ҳам кўришимиз мумкин.

1894 йилнинг 17 ноябрида Андижон шаҳридаги Исо-Додхоҳ Мукулмонқул Насриддинов, Оқ-масжид ва Пойдевор мадрасаларининг талаба ҳамда мударрислари Туркистон Генерал-губернаторлиги номига ёзган шикоятда таъкидланишича, хонликлар даврида ва рус ҳукмронлигининг дастлабки вақтида вақф маҳкамаларининг мулкларидан ҳеч қандай солиқлар олинмаган. Мадрасалар эса вақф даромадларидан тўлалигича фойдаланилганлигини кўрсатадилар. Лекин 1894 йилдан бошлаб вақф мулкларидан «Земство» солиғи олиниши жорий этилганлигини ва бунинг натижасида мадрасаларнинг аҳволи ёмонлашганлигини таъкидлайдилар. Бундан ташқари юқоридаги вақф маҳкамаларини ўз мулкларидан олаётган асосан мусулмон солиғи бўлган «хирожни» олдингига қараганда уч маротаба кам олаётганлигини ва вақф даромадларини йил бошидаёқ сарфлаб бўлганликлари сабабли «земство» солиғини тўлай олмаслигини қолаверса ушбу солиқ мулклари вақф

---

1. ЎзРМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 330-варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 11-рўйхат, 843-иш, 4-варақ.

ерларидан олинадиган «ижара» ҳақиға тенг эканлигини кўрсатадилар. Агарда бу солиқни тўлаган тақдирларида ўзларига ҳеч қандай маблағ қолмаслигини маълум қиладилар.<sup>1</sup> Лекин уларнинг бу шикоят мустамлакачилик томонидан инобатсиз қолдирилади.

Бундан ташқари, Марғилондаги Султонмуродбек қорихонаси, Қўқондаги «Жомий» мадрасаси, Марғилондаги Кўк мазор мадрасалари ҳам 1897-1898 йиллар учун маблағ берилишини илтимос қилганлар. Лекин мазкур вақф маҳкамаларининг қилган илтимосларига солиқлар орттирилди ёки мазкур вақф ҳужжати ҳоли кўриб чиқилмаган деган жавоб берилади.

Бундан кўришиб турибдики, вақф маҳкамалари ўз қўлидаги далилий ашё бўлган вақф ҳужжатларини топшириш билан мазкур вақф ҳужжатларидан ва ерларидан ҳамда бунга қўшимча тарзда бу ерлардан олинган даромдлардан ҳам маҳрум бўлаётганди.

Шунинг учун ҳам 1898 йили Қўқон уламолари томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги номига шикоят ёзилади ва бунда вақф мулкларидан «земство» солиқларидан олинаётганлиги буни эса шариат қонун-қоидаларига зид эканлигини кўрсатиб берадилар.<sup>2</sup> Лекин Туркистон генерал-губернатори шу масала юзасидан Фарғона вилоятининг ҳарбий губернаторига ёзган хатида 1898 йил 4 март № 1739 «Қўқон уламолари доимо ўз даромадларини ва маҳаллий ҳалққа бўлган таъсирини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Ўтган шу муддатни маҳаллий халқ ўзига қилинган ғамхўрлик деб тушуниши керак», - деган фикрни билдиради. Юқорида келтирилган далиллар вақф маҳкамалари ва маҳаллий халқнинг аҳволи тобора ёмонлашиб бораётганлигидан далолат бермоқда эди.

1898 йили Андижон меҳнаткаш халқ оммаси мустамлакачиларга қарши қўзғолон кўтаради. Қўзғолончиларнинг асосий талабларидан бири ҳам вақф мулкларининг тортиб олиниши бўлиб улар мазкур мулкларни ўз эгаларига қайтаришни ва солиқларни енгиллаштиришни талаб қиლაётган эдилар. Лекин уларнинг бу талабларини бажариш у ёқда қолиб қўзғолончилардан вахшиёна ўч олинди. Шу билан бирга, 1898 йилги қўзғолондан кейин чор ҳукумати раҳбарлигида Туркистон

1. Ўз.РМДА: 19-фонд, 1-рўйхат, 24373-иш, 10-варақ.

2. Ўз.РМДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 2116-иш, 104-варақ.

генерал-губернаторлигининг ислом динига ва шу асосда иш кўраётган мактаб, мадраса ҳамда вақф маҳкамаларига бўлган қарши кайфияти янада кучаяди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилар ўз олдига мусулмон аҳолиси ўртасидаги ҳақиқий аҳволни билиш вазифасини қўйди, ҳамда янги губернатор Духовский томонидан мактаб, мадраса, вақф мулклари ва мазорлар тўғрисидаги маълумотларни тўплашдек қатъий талаб қўйилди. Бундан ташқари Самарқанд ва Фарғона вилояти ҳокимлари томонидан Туркистон ўлкасидаги ислом дини ҳамда уларнинг қўл остидаги ўқув маҳкамаларини бошқариш тўғрисидаги лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, бунда жумладан шундай дейилганди. «Мазкур маҳкамаларни бошқаришни округ, вилоят бошқармалари раҳбарлигидаги Округ ва вилоят инспекцияларига юклашни таклиф этилади».

Лекин Фарғона вилояти бошқармаси бу масалани ҳеч қандай қўмитага юклаганлигини ва бундай тарзда вақф даромадларини назорат этиб бўлмаслигини, ҳаттоки биргина солиқлардан озод этилган вақф маҳкамаларини назорат қилиш учун ҳам кўплаб ходимлар ва катта маблағ кераклигини, агарда ушбу маблағ вақф даромадлари ҳисобидан олинадиган бўлса бу даромадлар шунинг ўзига сарф бўлишини уқтириб ўтади. Шунинг учун ҳам рус ҳукумати вақф маҳкамалари масаласини эътиборсиз қолдирмоғи лозим. Албатта бундай муносабат натижасида бу вақф даромадлари ўғирланиб йўқ бўлади, улар таъминлаб турган маҳкамалар эса ўз-ўзидан вайронага айланади ва шу тариқа мусулмон фанатизми марказлари йўқ бўлади деган фикрни билдирганди.<sup>1</sup>

Мана шундай кайфиятда бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ўзининг аввалги сиёсатини янада қаттиққўллик билан давом эттиради.

Энди чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги 30 йиллик ҳукмронлигига назар ташлайдиган бўлсак, шу ўтган вақт ичида мазкур ўлкани босиб олибгина қолмасдан, балки бу ердаги қонун-қоидалар ҳам улар томонидан ўзгартирилаётган эди. Шулар ичида, албатта вақф масаласи ҳам улар томонидан ўзгартирилаётган эди, чунки Туркистон ўлкасидаги вақф мулклари жуда катта маблағни ташкил этар, бу эса ўлкани ўз

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 11-рўйхат, 1724-иш, 66-варақ.

мустамлакасига айлантиришда, унинг бойликларини талон-тарож қилишда илм-фан масканларини ўзлари учун керакисиз ҳолга келтиришда вақф мулклари салмоқли ўринларни эгалларди. Шунинг учун ҳам вақф масаласида мустамлакачилар анча ишларни қилиб улгурган бўлиб, бу эса қуйидагилардан иборат эди:

1. Вақф мулкларининг кўп қисми ҳужжатлари сохта деган баҳоналар билан эътироф этилмади.

2. Эътироф этганлари эса ўз мулкларининг кўп қисмидан маҳрум бўлди ва бу маҳкамаларга давлат хазинасидан пул бериш жорий қилинганди.

3. Улар ўз ерларидан даромад олишдан ҳам маҳрум этилганди. Давлат хазинасидан берилаётган маблағнинг бир қисми эса ушлаб қолинарди.

4. Мутававилар, мударрислар давлат томонидан тайинланадиган ёки сайланадиган бўлди.

5. Вақф мулкларини вақф маҳкамаси эмас, балки ҳукумат ижарага берадиган бўлди.

6. 1895 йилдан бошлаб Фарғона водийсидаги вақф ерларида яшовчи аҳолининг «Ўлпон» солиғи тўлаши жорий этилди.

7. Вақф даромадларининг тақсимлаш ҳам ҳукумат томонидан назоратга олинди.

Мазкур ишларни амалга ошириш ҳукумат томонидан аста секинлик билан 1886 йили, 1891 йилнинг 10 апрелида, 1902 йилнинг 2 майига қадар бир қатор қўлланмалар, буйруқлар ва қонунлар ишлаб чиқилди-ки, бунда вақф тўғрисидаги масалалар чор Россиясининг манфаатларига тўла мослаштирилди.

Лекин шундай бўлишига қарамай 1907 йилга келиб ҳукумат томонидан вақф маҳкамалари ва уларнинг мулклари масаласи кўриб чиқиладиган бўлди. Бунинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат эди.<sup>1</sup>

1. Вилоят бошқармаларига ўз вақтида топширилган, қонунан тўғри, лекин солиқлардан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳужжатлар.

2. Вилоят бошқармалари томонидан сохта ёки қалбаки деб эълон қилинган вақф ҳужжатлари.

3. Вилоят бошқармасига белгиланган муддатда топширил-

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 315-варақ.



ган, лекин мазкур ҳужжатларда «амир» ёки «хон» муҳри йўқлиги сабабли кўриб чиқилмаган ҳужжатлар.

4. Вилоят бошқармаларига ўз муддатида топширилган. Лекин шаҳар ичида ва ташқарисида жойлашган карвонсарой, ҳаммом, тегирмон, савдо расталарининг вақф ҳужжатлари бўлганлиги сабабли кўриб чиқилмаган эди. Мана шундай вақф маҳкамаларининг мулклари биргина Фарғона вилоятида қу-йидагини ташкил этарди.

- |   |            |
|---|------------|
| 1. Хон ва амирлар муҳри йўқ вақф ҳужжатлари | – 4,177 та |
| Шундан шаҳар ичидаги вақфлар                | – 31 та    |
| Савдо расталари, ҳаммом ва ҳ.к.             | – 35 та    |

Жами: – 4,243

- |                            |       |
|----------------------------|-------|
| 2. 1887 йил 1 июлдан кейин |       |
| Хон, амирлар муҳри билан   | – 648 |
| топширилганлари            |       |

Шулардан вилоят бошқармаси тасдиқлагани	– 498
генарал – губернатор тўла тасдиқлагани	– 428 тани

ташкил этарди.

Шунинг учун ҳам мазкур ишларни тартибга солиш мақсади-да 1907 йилнинг октябрь ойида Фарғона вилоятининг Ҳарбий губернатори Қримдаги Карс вилояти ҳарбий губернаторидан 1884 йилнинг 1 сентябрдаги ички ишлар министрлиги томони-дан тасдиқланган «Вақф маҳкамалари ва уларнинг мулкларини» бошқариш тўғрисидаги қўлланма талаб қилиб олинган.<sup>1</sup>

Мазкур қўлланма Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори томонидан олингандан кейин у маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда қайтадан ишлаб чиқади.

I. Ҳукумат томонидан вақф мулклари ўзининг аввалги ҳолида деб эътироф этилади.

II. Вақф мулклари: диний, умум фойдаланувчи ва хусусий вақфлардан иборат: Фарғона водийсида вақфларнинг ўз моҳиятига кўра бундай тарзда ажратиш уларнинг бошқариш

---

1. Уз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 884-иш, 321-варақ.

имкони беради. Лекин Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомда вақф мулкларини бундай 3 хил тоифага бўлиш йўқ бўлиб бу ерда улар фақат солиқлардан озод этилмаган деб кўрсатилган. Бу ерда биринчиси «Қрим» лойиҳасида кўрсатилганидек, диний вақфлар – мактаб масжид, мадраса ва уларни таъминлаб туриш учун ажратилганлари ҳам шундан иборатдир. Шунинг учун ҳам вақф мулкларини бошқариш ёки уларни назорат этишга Туркистон ўлкасидаги ҳамма вақф мулклари киритилиши зарур.

III. Вақф мулкларини бошқариш ва назорат қилиш учун Таврия губерниясидагидек Фарғона вилоят бошқармасида ҳам махсус бўлим ташкил этилади. Ўз навбатида бу бўлим таркибига вақф масаласи билан шуғулланувчи ва ҳарбий губернатор тавсия этган Марғилон қозиларидан биттаси комиссия таркибига киритилади. Шу билан ушбу лойиҳа Қримда ишлаб чиқилган лойиҳадан фарқ қилади, яъни Қрим лойиҳасида фақат Таврия муфтийси иштирок этади дейилган.

Бундан ташқари вақф бўлимида вақф мулкларини назорат қилувчи лавозим ҳам жорий этиладики, бунга ҳарбий губернатор тавсия этган ва генерал-губернатор томонидан тасдиқланган кишигина тайинланади.

IV. вақф масаласи билан шуғулланувчи доимий шахс вақфга тегишли бўлган ҳамма қоғоз ишларини юритади ҳамда қуйидагилар бўйича маълумот бериб туриши шарт.

а) вақф маҳкамасида давлатга қарши кайфиятдаги мутаввалилар бўлмаслиги керак.

б) вақф муассасаларига тегишли бўлган ва мутаввалилар томонидан нотўғри ҳал этилган шикоятлар уезд маъмурияти ёки зарур ҳолларда вақф мулкларини назорат қилувчи шахс томонидан текширилади.

в) вақф масаласи билан шуғулланувчи комиссияга мазкур вақф мулкни шароит тўғрисида сотишга ва умумий асосда бир йилга сотиш ҳуқуқини берилади.

г) охириги вазиятда даромадларни тақсимлаш ва бериш, мазкур маҳкамага таалуқлидир.

д) халқ судяларига вақф маҳкамаларининг мулкларини рўйхатга олишлари, улардаги ўзгаришларни белгилаб бориш учун махсус дафтарлар берилади. Бу дафтарларда солиқлардан озод этилган ва озод этилмаган ҳамда умум фойдаланиши

учун масжид, мактаб, мадрасалар, етим-есир, бева-бечоралар ва х. к, шунингдек хусусий вақф мулклари белгиланади.

V. Вақф мулкларини ижарага бериш ёки сотиш, каби ишлар ҳарбий Губернатор ёки унинг ёрдамчиси, қозиси ҳамда вақф масаласи билан шуғуллунувчи комиссиянинг доимий аъзоси иштирокида умумий асосда амалга оширилади. Бу савдо вилоят бошқармаси томонидан юқори маҳкамалар кўрсатганидек қонунан тасдиқланади.

VI. Вақфлар йўқотилмаслиги ҳамда вақф қилган шахс номини сақламоғи керак. Фавқулодда ҳоллардагина вилоят бошқармаси, маҳаллий судья ва мутаввали розилиги билан қиймати тенг бўлган мулкка алмаштирилади.

VII. Туркистон генерал-губернаторлигининг махсус чора – тадбирларида фойдаланадиган вақф жамғармаси жорий этилади. Шунинг учун масжидлар олиб ва бериб туриладиган ҳамда қарз берувчи (гаров) маблағлар вилоят бошқармаларининг махсус ҳисобларида сақланади ва Туркистон назорат палатаси томонидан умумий асосда тафтиш қилинади.

VIII. Вилоят бошқармасига биринчи навбатда топширилган хужжатлар тақсимлангандан кейин, улар мазкур вақф мулкларидан қўшимча солиқ олади, кейин эса ҳисоб бўйича рўйхатга олинган вақфлардан солиқлар олинади. Бу солиққа кейинроқ назорат палатасини мукофотлаш ҳам қўшилади, шунингдек вақф маблағини сақлаганлик учун ҳам солиқ олинади. Бундай мукофотлаш Туркистон генерал-губернаторлиги, ички ишлар, Молия вазирлиги ва Давлат назорати билан келишилган ҳолда белгиланади.

IX. Эгасиз қолган хусусий вақф мулкларини сотишдан ҳамда кўчмас мулклар, яъни карвонсарой, ҳаммом, тегирмон ва ҳ. к. лардан тушган маблағ-вақф жамғармасига келиб тушади. Бунга вақф маҳкамаларини бошқариш ва ниҳоят хайр-эҳсон қилинган маблағлар ҳам қўшилади.

X. Вилоят бошқармаларидаги вақф масаласи билан шуғулланувчи бўлим вақф даромадларига тушган ва Туркистон генерал – губернаторлиги томонидан давлат хазинасига олинаётган маблағ орқали таъминланади.

XI. Вақф жамғармаси Туркистон генерал-губернатори руҳсати билан тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун ва мусулмонларнинг бошқа манфаатлари учун сарф этилади. Аслида,

чор Россиси ҳукмронлиги даврида Туркистон ўлкасида тарихий обидаларни таъминлашга заррача эътибор берилмаган.

XII. Вақф мулкларидан фойдани олиш мутаввали назорати остида амалга оширилади, у кирим ва чиқимларни ҳисоблаб боришга мажбур, лекин вилоят бошқармаси талаб қилган вақтда ва вақф мулкларини назорат қилувчи томонидан тафтиш ўтказилган вақтда ҳисобот беради.

XIII. Вақф мулкларини 1 йилдан 6 йил муддатгача давлат ихтиёрига олиш унинг ишга яроқли эканлигига қараб белгиланади ва бу Вилоят бошқармасининг вақф ишлари билан шуғулланувчи комиссияси томонидан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади.

а) мутаввалиликка ишончли номзод топилмаган вақтда.

б) вақф маҳкамасига алоқадор бўлган жамоа илтимос қилган тақдирда.

Вақф мулкларини сотиш Вилоят бошқармаси томонидан ёки мутаввали томонидан амалга оширилади. Бунга ҳар хил сабаблар бўлиши мумкин, иккинчи эса сарф этилган маблағни даромад ҳисобида олинган тақдирда.

XIV. Халқ судяларининг вазифаси вақф маҳкамаларини ва уларнинг мулкларини Вилоят бошқармаси томонидан берилган махсус дафтарларга солиқлардан озод этилган ёки этилмаган, умум фойдаланувчи ва хусусий вақф мулки деб рўйхатга олишдан иборатдир. Илова: Агарда бу мисол учун Фарғона вилоятида 5. 000 тани ташкил этса у ҳолда ҳар бир 179 бўлган судясига ўртача 28 тадан вақф ҳужжати туғри келади.

XV. Вақф маҳкамасидаги мутаввалиларга ҳам худди шу тартибда бўлган судялари орқали «кирим-чиқим» дафтари берилади.

XVI. Хусусий вақф мулки мутаввалилар бўлган судялари томонидан фақатгина рўйхатга олинади. Умум фойдаланувчи ҳамда солиқлардан озод этилмаган вақфлар эса уезд бошлиқлари томонидан бўлган судялари кўрсатмасига асосан тасдиқланади. Солиқлардан озод этилган вақф мулклари эса вилоят бошқармаси тасдиқлайди.

XVII. Солиқлардан озод этилмаган вақф маҳкамасининг мутаввалиси сабаби кўрсатилиб уезд бошлиғи томонидан ўз вазифасидан озод этилади. Солиқлардан озод этилгани эса



уезд бошлиғи тавсияси билан вилоят бошқармаси томонидан озод этилади.

XVIII. Солиқлардан озод этилган вақф маҳкамасининг мутаввалиси камомад қилган тақдирда рус суди томонидан суд қилинади. Агар вақф маҳкамаси солиқдан озод этилмаган бўлса у холда қози судлари томонидан суд қилинади.

Шундай қилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти 1907 йилдан бошлаб, вақф мулкларини ва уларнинг даромадларини тортиб олишнинг янги Низомини ишлаб чиқарган эдики, бу эса аввалгилардан ҳам ўтиб тушарди. Гарчи бу лойиҳа Туркистон ўлкасида ҳали амалда қўлланилмаган бўлса-да, Қримда вақф маҳкамалари ва улар вақф мулкларига нисбатан қўлланилган бўлиб, бу яхши натижа берганди. Шунинг учун ҳам Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ушбу қонун лойиҳаси вақф маҳкамалари талабларига ва шариат қонун-қоидаларига зид бўлишига қарамай уни қабул қилишга ҳаракат қилмоқда эди.

Энди мустамлакачиларнинг мана шундай кейинги ўтган вақт ичидаги олиб борётган сиёсатига эътибор берадиган бўлсак улар ўзларининг аввалги сиёсатини кейинги йилларда ҳам 1909 йилга қадар шу тарзда давом эттирдилар. Жумладан 1909 йилга келиб Жиззах шаҳрида камбағаллар учун таъсис этилган вақф мулки ҳам тортиб олинганди.<sup>1</sup> Бунинг сабаби эса мазкур вақф ҳужжатини қайта тузилгани ва ушбу ерларда аҳолининг яшаётганлиги эди.

Булар билан чекланмаган мустамлакачилар 1910 йиллардан бошлаб кўпчилик вақф маҳкамаларига тегишли бўлган маблағларни ҳам бермай қўйганди. Ушбу фикримизни далили сифатида Наманган вилоятининг Чодак қишлоғидаги муқаддас Исмоил-ота қабри вақфлари<sup>2</sup> ҳамда Андижон шаҳрининг Шарифбой мавзесидаги вақфнинг ёзган имкониятларини ҳам келтириш мумкин.<sup>3</sup> Албатта, бу тадбирларни мустамлакачилар маҳаллий бойларини талон-тарож қилиш мақсадида амалга ошираётган эди.

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 1458-иш, 5-варақ.

2. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 1529-иш, 3-варақ.

3. Ўз.РМДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 1831-иш, 21-варақ.

1912 йилнинг 23 майида Туркистон генерал-губернаторлигининг вақф масаласи юзасидан ўтказган мажлисида барча вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари қуйидаги фикрни билдирган эди.

1. Ҳозирги вақтда Вақф маҳкамалари давлат учун хавфли эмас. Шунинг учун ҳам уларнинг мулкларини доимий равишда назорат қилиш шарт эмас.

2. Вақф муассасаларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи улка ёки вилоят марказларини ташкил этишнинг зарурияти йўқ.

3. Вилоят бошқармалари томонидан 267-моддага биноан вақф маҳкамаларининг назорат қилишни маблағ йўқлиги сабабли амалга оширишнинг иложи йўқ. Шу билан бирга вақф даромадлари ҳозирга келиб толон-тарож қилинаётганлиги сабабли уларни назорат қилиш ҳам шарт эмас.

4. Шариат асосида иш кўрувчи қози судларига ва мутаввалиларга вақф мулкларини шариат асосида бошқариш имконини бериш керак, бизлар эса фақат назорат қилиб турмоғимиз лозим.

5. Янги вақф маҳкамаларини ташкил этишда ва солиқ масаласида уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаслиги керак, – дейилган эди.<sup>1</sup> Лекин, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти вилоятлардаги ҳарбий губернаторлар томонидан шундай таклифлар киритилганига қарамай ўз сиёсатини аввалги тарзда давом эттиради. 1916 йилда Фарғона вилояти бошқармасига ёзилган шикоятномада кўрсатилишича, «Подшо Искандар Кўҳна» мадрасасига тегишли бўлган 100 десятина вақф ерини дворянка Мария Федоровна Бушинскаяга сотишга рухсат берилиши сўралган. Бунга эса розилик билдириш билан бирга ҳар бир десятина ердан 50 тийин тўланиши ўқтирилган. Шундай қилиб ушбу мадрасанинг 100 десятина ери сотилган.<sup>2</sup>

1915 йили мадрасага тегишли бўлган вақф ерларидан икки хисса ортиқ миқдорда солиқ олинган бўлиб, бу 1386 сўм 78 тийинни ташкил этган бўлса, Земство мажбуриятлари 232 сўм 28 тийин ва бунга қўшимча тарзда 138 сўм 68 тийин Ҳарбий

---

1. Ўз.РМДА: 1-фонд, 27-рўйхат, 1709-иш, 159-варақ.

2. Ўз.РМДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 12506-иш, 30-варақ.

солиқ, шунингдек 218 сўм 42 тийин жамоа солиғи ҳам туланганди. Албатта, бундан кўриниб турибдики, босқинчилар томонидан вақф маҳкамалари ишларига аралашув, уларнинг даромадларини ўз вақтида бермаслик ҳамда солиқларнинг ҳаддан ташқари орттириб юборилганлиги натижасида уларнинг аҳволи ёмонлашиб бораётганди.

Туркистон ўлкасини хом-ашё манбаига айлантириш, ўлка бойликларини талон-тарож қилиш, халқларини эса қул қилиш мақсадида бўлганлиги учун ҳам аввало бу ердаги илм-фан масканларни йўқотишга ҳаракат қилинаётганди. Шунинг учун ҳам чор Россияси ҳукмронлиги даврида нафақат янги мадрасалар қурилди, балки мавжуд бўлганлари ҳам аста-секинлик билан йўқотиб борилди. Буни эса Остроумов томонидан келтирилган жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасидаги вақф мулкларининг аҳволи масаласига яқун ясайдиган бўлсак, чоризм томонидан мазкур ўлка истило қилиниб, ўзининг хом-ашё етказиб берувчи манбасига айлантиргандан кейин вақф маҳкамаларининг аҳволи тубдан ўзгарди. Қуйидаги жадвал фикримизни тасдиқлайди.

№	Номи	Ташкил этилган йили (ҳижрий)	Мударрислар сони	Муллалар сони	Хужра сони	Вақф даромади
1.	Қози Ғофур	804-1401	1	44	21	150 сўм
2.	Мирзо Улугбек	823-1420	2	50	32	1200 сўм
3.	Мадрасаи Сафид	902-1496	1	40	28	2500 сўм
4.	Шайбонийхон	932-1525	2	74	31	4500 сўм
5.	Шердор	1026-1617	2	95	60	3000 сўм
6.	Тиллақори	1037-1627	1	130	54	
7.	Давлат Қумбой	1212-1797	1	18	9	750 сўм
8.	Саид Аҳмад Хўжа	1232-1816	1	18	9	300 сўм
9.	Орифжонбой	1260-1944	1	50	30	2000 сўм
10.	Хўжа Зулъ Мур	1261-1845	1	40	22	-
11.	Кук Масжид	1265-4848	1	25	25	-
12.	Одилбой	1276-1859	1	8	8	75 сўм
13.	Юсуфбой	1267-1850	-	-	-	-
14.	Сўфи Розик	1267-1850	1	24	13	Йуқ
15.	Ҳалифа Ҳасан	1275-1858	1	22	11	Йуқ
16.	Рофиқ Оқсоқол	1275-1858	-	-	-	-
17.	Турди Али	1284-1867	1	20	13	18 сўм
18.	Мадрасаи Нур	1327-1905	1	60	32	1050 сўм

1. Остроумов Н.П. Исламоведение - Ташкент, 1914, стр. 190.

Вақф маҳкамаларини йўқотишдан кўзланган мақсаднинг биринчиси, уларнинг қўл остидаги бойликларига эгалик қилиш бўлса, иккинчиси ислом дини вакилларини моддий жиҳатдан заиф қилиб уларни халқ орасидаги обрўсини йўқ қилиш ва шу йўл билан мусулмон урф-одатлари, маданияти ўрнига христиан-рус урф-одати, тили ва маданиятини зўрлик билан киритиш эди. Шунингдек, мазкур ўлкада руслар таъсирини кучайтириб, ерли аҳолини ўзларининг итоатгўй қўлларига айлантирмоқчи эдилар.

Босқинчилар ўзларининг ушбу мақсадларига тўла бўлмасда эришдилар, яъни вақф мулкларининг кўпчилик қисми аҳолини хусусий мулки деб эълон қилинди. Орадан йиллар ўтиши билан аҳолининг маълум қисми ҳам шу ерларни ўзларининг хусусий мулки деб эътироф эта бошлади. Албатта, бунинг биринчи сабаби мазкур ерларни мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтаётганлиги бўлса, иккинчи ва асосий сабаби босқинчилар томонидан солиқларни ҳаддан ташқари орттириб юборилганлиги натижасида маҳаллий аҳоли турмуш тарзи огирлашгани эди.

Лекин мустамлакачилар вақф маҳкамаларини тўлалигича бўйсундира олмадилар. Уларнинг мадрасаларда рус тилини ўқитиш ва бу масканларни аста-секинлик билан катталар учун мўлжалланган рус - тузем мактабларига айлантиришга ҳаракат қилиши ҳам ҳеч қандай натижа бермади ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, маҳаллий халқ буни хоҳламади, шунинг учун ҳам вақф маҳкамалари 1917 йилга қадар ва ундан кейин ҳам сақланиб қолди ҳамда ислом дини вакиллари раҳбарлигида босқинчиларнинг маҳаллий халқни руслаштириш, илм-фан масканларини тугатиш сийёсатига қарши турди.



## Х У Л О С А

Октябр тўнтаришига қадар Туркистон ўлкасида мусулмон руҳонийларининг маҳаллий халқ орасида обрў-эътибори катта эди. Бунинг асосий сабаби ўлкадаги диний ташкилотларнинг мустаҳкам моддий-молиявий, иқтисодий асосга эга эканлигидадир. Ўлкадаги мусулмон руҳонийлари христианлардан фарқли ўлароқ, фақат диний маросимларни бошқариб қолмай, суд ва маориф ишларини ҳам бошқарар, шунингдек давлат ва бошқарув ишларида ҳам фаол иштирок этар эди.

Туркистон ўлкасидаги мусулмон руҳонийлари катта миқдордаги вақф мулкларига, ер майдонлари, дўконлар, савдо растлари, карвонсаройлар, тегирмон ва обжувозларга эгалик қилар эди. Бу мулклар мактаб, қорихона мадраса, хонақо, мазор, ва бошқа муассасаларга одатда хон, амир ва беклар, шунингдек катта ер эгалари, савдогарлар ва меҳнаткаш халқ томонидан инъом ҳам этилар эди. Ушбу вақф мулклари диний ташкилотларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш билан бирга маҳаллий аҳоли орасида маориф ва маданиятни ривожлантиришга ҳам сарфланар эди.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин уни мустамлакага айлантириб, ўлка бойликларини талашга ва ўлкани ўзининг хом ашё базасига айлантиришга қаратилган мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Чор ҳукумати ислом динига, мусулмон руҳонийларига ва уларнинг қўл остидаги вақф мулкларига нисбатан ҳам шундай сиёсати қўлланди. Бунинг асосий сабаби ислом дини ва мусулмон руҳонийларининг жамиятда тутган ўрни катталигида эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилар уларнинг фаолиятини ва мавқеини чегаралашга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун босқинчилар аста секинлик билан вақф мулкларининг даромадини қисқартириб бордилар. Мадраса ва масжидлар қуриш, азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш, Туркистон генерал-губернаторининг рухсати билан амалга ошириладиган бўлди. Вақф мулкларининг мутавваллари, масжид имомлари, рус маъмуриятининг розилиги билан тайинланди. Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари «хавфли» деб топган мадраса, қорихона ва бошқа

диний маҳкамалар ёпилди. Бу билан нафақат мусулмон руҳонийларининг, балки маҳаллий халқнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари чекланди.

Мусулмон руҳонийларини иқтисодий жиҳатдан чеклаш, вақф мулкларидан олинадиган даромадларини қисқартириш ва бу маблағларни давлат хазинасига ўтказиш мақсадида чор ҳукуматининг Туркистондаги амалдорлари ҳар хил қонун-қоидаларни ўйлаб топдилар. Масалан, фақат Хон ва амирлар, муҳри бор вақфномалар Туркистон Генерал губернаторлиги томонидан қонуний деб топилди. Бундай вақфномалар эса Туркистон ўлкасида жуда оз эди. Қозилар муҳри билан тасдиқланган вақфномаларни ноқонуний деб ҳисобланди ва ўлкадаги шариат қонун-қоидалари ҳам поймол этилди.

Мустамлакачилар вақф маҳкамалари билан бирга мадрасаларни ҳам рус давлати учун зарарли ташкилот деб қаради. Иложи борича кўпроқ вақф мулкларини тортиб олишга ҳаракат қилди. Аммо мустамлакачилар ислом динига, шунингдек мадрасаларга ҳам очикдан-очик қарши чиқмади. Уларга қарши зимдан, яширин кураш олиб борди. Мустамлакачилар назоратсизлик туфайли вақф мулки даромадларини талон-тарож қилишга йўл очиб бериш мақсадида, мадрасаларнинг хўжалик фаолиятини назорат қилиб турувчи «мутаваллибоши» лавозимини ҳам йўқ қилдилар. Мадрасаларга кириб, ўқишга бўлган манфаатдорликни сусайтириш мақсадида, ўлкадаги рус маъмурияти ушбу мадрасаларни битириб чиққанларни давлат идораларига ишга олмаслик чора-тадбирларини кўрди. Бунинг натижасида маҳаллий халқ орасида «ўқиб ким бўласан» деган салбий тушунча юзага келди.

Янги мадрасалар қуриш, уларга ва бошқа мадрасаларга ҳам вақф мулкани инъом этиш фақат Туркистон генерал-губернаторининг ихтиёрига берилди. Натижада мадрасаларга вақф мулкани инъом этиш мумкин бўлмай қолди. Бу ҳам етмагандек кўплаб мадрасалар рус маъмурияти ташаббуси билан таъмирлаш ўрнига бузиб ташланди. Уларнинг ўрнига янги мадрасаларни қуришга рухсат берилмади. Чор ҳукуматининг бу сиёсати туфайли ўлкадаги илм-фан ва маданиятни ривожланиши, маҳаллий аҳолининг маданий савиясини юксалишига катта зиён етказилди.

XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасидаги вақф мулкларининг аҳволи тўғрисидаги ушбу ўқув-услубий қўлланма билан бу масала яқунига етган. деб ҳисобланмаслик керак.

Чунки собиқ шўролар даврида ҳам вақф мулклари зўрлик билан тортиб олинди. Мусулмон руҳонийларининг кўпчилик қисми эса ҳалқ душмани сифатида қатағон қилинди.

Истиқлол туфайли ислом динига ва диний ташкилотларга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қарор топди. Ҳар бир мусулмон учун муқаддас ҳисобланган Маккаи муқаррамага ва Мадинаи мунавварага ҳаж қилиш имконияти вужудга келди.

Миллий анъаналаримиз тикланаётган, ўзлигимизни англаётган бугунги саодатли кунларда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган вақф мулклари тарихини ўрганиш ҳайрли ишдир.


# М У Н Д А Р И Ж А

Кириш .....	3
Хонликлар давридаги вақф мулкларининг аҳволи .....	6
Чоризм истилосидан кейин вақф мулкларининг аҳволи .....	19
Хулоса .....	52



*Ўқув-услубий нашр*

**Собиржон БОЛТАБОЕВ**



# **ТУРКИСТОНДАГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИ ТАРИХИ**

*Ўқув-услубий қўлланма*

Муҳаррир:	<b>Муҳаммад ВАЛИ</b>
Мусаввир:	<b>Музаффар МИРАЗИЗОВ</b>
Тех. муҳаррир:	<b>Ғанижон МУЛЛАБОЕВ</b>
Мусаҳҳиҳ:	<b>Темур ТЎРАБОЕВ</b>



Теришга 11.01.2005 йил берилди. Босишга 12.01.2005 йил рухсат этилди. Олий навли газета қоғозига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 3,5 босма табоқ. Адади 500 нусха. Буюртма № 47. Баҳоси келишилган нарҳда.

---

«Наманган» нашриёти. Наманган ш. Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3-қават.  
«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Суфизода кўчаси, 8-уй.

